

Амир Темур бин Муҳаммад Тарағай Баҳодирнинг мухри босилган фармон (1391)

АМИР ТЕМУРНИНГ ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

ёзма манбалар маълумоти асосида

(Иккинчи нашри)

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ «ФАН» НАШРИЕТИ

Ушбу рисола 1968 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, ўша йилларда академиянинг вице-президенти бўлиб ишлаган Иброҳим Мўминов томонидан ёзма манбалар асосида ёзилган эди. Унда буюк бобомиз Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида туганган ўрни ва роли илмий ёритиб берилган.

Рисола ҳеч қандай ўзгартиришсиз чоп этилмоқда. Табиийки, унда ўша даврга хос назарий фикрлар ҳам учраб туради. Лекин ўша машъум турғунлик йилларида бундай рисола ёзиб, уни чоп эттириш жасорат ҳисобланарди.

Асар тарихчилар, шарқшунослар, философлар ва Урта Осиё тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

М 5030209040 — 962
М 355(04) — 93 43—93

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан»
нашриёти, 1993 й.

ISBN 5—648—02036—8

На узбекском языке

Ибрагим Мўминов

**РОЛЬ И МЕСТО АМИРА ТИМУРА В ИСТОРИИ
СРЕДНЕЙ АЗИИ**
Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон Республикаси ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *Н. Қосимова*
Техмуҳаррир *Л. Тюрина*
Мусаҳҳиҳ *С. Зокирова*

ИБ № 6345

Теришга берилди 26.07.93. Босишга рухсат этилди 18.10.93. Қоғоз бичими 84×108¹/₃₂. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма т. 3,15. Ҳисоб-нашриёт т. 2,9. 50000 нуска. 270 буюртма. Келишилган нарҳда.

ЎЗРФА «Фан» нашриёти, 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди.
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

ИБРОҲИМ МЎМИНОВНИНГ КАТТА ИЛМИЙ ЖАСОРАТИ

Ўзбекистоннинг илмда, тафаккурда мустақил бўлиши учун курашган, уни ўз халқига яқинлаштиришга, миллий маънавиятини тиклашга интилган миллатпарвар, ватанпарвар олимлар жасорати доимо эъзозга, зўр ҳурмат-эътиборга, муҳим ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга, мийнатдорчиликка лойиқдир.

Шундай олимлардан бири Иброҳим Мўминов эди.

И. М. Мўминов 1908 йилда Бухоро вилоятининг Тезгузар қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилиб, катта давлат ва фан арбоби даражасигача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди. У 1931 йили Самарқанддаги Ўзбек Давлат педагогика академиясининг ижтимоий-иқтисодий факультетини тугатиб, 1941 йили кандидатлик, 1950 йили докторлик диссертациясини ҳимоя этди. Самарқанд университетида кафедра мудири ва профессор бўлиб ишлади.

Улуғ Ватан урушининг энг қизғин даври — 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таъсис этилди ва И. Мўминов унинг асосчилари қаторида академиянинг муҳбир аъзоси этиб сайланди.

1955 йили И. М. Мўминов Тошкентга, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг директори лавозимига таклиф этилди ва шу йилдан бошлаб унинг ҳаётида янги давр бошланди. Унинг олимлик, раҳбарлик, арбоблик, ташаббускорлик фазилатлари, истеъдоди айниқса шу йилларда ўзининг ажойиб ифодаси ва натижасини кўрсатди. У ижтимоий фанлар соҳасида энг йирик олим бўлиб танилди.

У Ўзбекистонда фалсафа соҳасида биринчи фан доктори сифатида республикада фалсафа илмининг ривожига асос солди. Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Фалсафа ва ҳуқуқ институти очилишининг ташаббускори ва унинг биринчи директори бўлди.

И. М. Мўминов Ўзбекистон Фанлар академиясида

вице-президентлик лавозимида ишлаган йиллари (1956—1974) унинг олимлик, раҳбарлик, ижодкорлик фазилатлари, ажойиб истеъдоди айниқса янада ёрқин намоён бўлди, у Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар илмларнинг ташкиллий жиҳатдан мустаҳкамланиши, бу соҳанинг янада кенгайиши, мутахассис илмий кадрларнинг кўпайишига катта ҳисса қўшди. У Ҳабиб Абдуллаев, Убай Орипов, Обид Содиқов, Сағди Сирожиiddинов каби атоқли олимлар билан ёнма-ён туриб фан учун сидқидилдан хизмат қилди.

* * *

Иброҳим Мўминов асосий илмий йўналишининг ўзиёқ бевосита ўз халқи манфаатларини ҳимоя этиш, унинг маънавият тарихининг ўзига хос ва бой эканлигини исботлашга қаратилган эди. Бу йўналишни Иброҳим Мўминов ўз умрининг охиригача изчил давом эттириб, ривожлантириб, кенгайтириб, чуқурлаштириб борди.

Иброҳим Мўминов 1946 йилда Самарқандда «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» монографиясини нашр эттирди. Бунда XVII—XVIII асрда Ҳиндистонда яшаб, форс тилида ижод этган мутафаккир шоир Бедилнинг ижтимоий-фалсафий таълимоти, унинг табиат, жамият, инсон, ахлоқ ҳақидаги қарашлари илмий жиҳатдан теран таҳлил этилади. Гап шундаки, Бедил асарлари Шарқдаги, жумладан Урта Осиёдаги сўнгги шоирлар ижодига ўзининг чуқур фалсафий мазмундорлиги билан катта таъсир кўрсатган. Шунинг учун Иброҳим Мўминовнинг бу асари бутун Урта Шарқнинг, жумладан Мовароуннаҳр мусулмон халқлари адабиёти, ижтимоий-фалсафий фикрларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Иброҳим Мўминовнинг кандидатлик диссертацияси Европа фалсафаси тарихидаги энг қийин ва муҳим масалалардан бирига — «Гегель диалектикасининг рационал мағизи»га (1941 йил) бағишланган бўлса-да, Бедил ҳақидаги бу монографияси унинг ўз илмий изланишларини Шарқ фалсафаси, жумладан Урта Осиё фалсафаси тарихини ўрганишга қаратганидан далолат беради.

1950 йилда Иброҳим Мўминов Москвада СССР Фанлар академияси Фалсафа институтининг Илмий Кенгашида «XIX аср охири — XX аср бошларида Ўзбекистон-

нинг ижтимоий-фалсафий фикри тарихидан» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёқлади.

Биринчидан, бу мавзу ўша 40-йиллари кам ўрганилган ва маълум далил, хулосалар ва фикрларга муҳтож ҳисобланган мавзу эди, иккинчидан, бу давр фақат адабиётшунослар томонидан адабий-бадиий жараён сифатида ўрганилар, бу давр адабиётнинг вакиллари Донниш, Фурқат; Муқимий, Ҳамза кабилар ижодининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ва аҳамияти илмий таҳлилдан четда қолган — буни ўрганишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган давр эди.

И. Мўминов бой тарихий фактларни илмий таҳлил этиш асосида XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда юз берган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий жараённи объектив ёритиб берди.

Иттифоқ Марказидаги раҳбарларга, ҳукмрон сиёсатга маъқул бўлувчи Туркистоннинг Россияга қўшиб олинганлиги ҳақидаги фикрлар китобларда кенг тарғиб қилинаётган бир шароитда И. Мўминов ўз тадқиқотининг бошланишида тарихий ҳақиқатга содиқ қолган ҳолда очикдан-очик шундай қайд этади:

«XIX асрнинг 60—90-йиллари давомида рус чоризми Урта Осиёни забт этди ва унда мустамлака тартибини ўрнатди. Чор ҳукумати Бухоро амирлиги ва Хева хонлигини номигагина сақлаб қолиб, амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Мана шу даврда Урта Осиёнинг меҳнаткаш оммасини эксплуатация қилиш кучайибгина қолмади, балки миллий-мустамлакачилик зулми ҳам ўрнатилди»¹.

Иброҳим Мўминов биринчи бўлиб бу даврни фалсафий таҳлил асосида ўрганиши ҳамда шу билан бирга Туркистон, Мовароуннаҳр халқларининг мустақил ижтимоий-фалсафий тарихга, мустақил фалсафий меросга эга эканлигини исботлаш учун муҳим далил яратди. Бу илмий йўналишни сўнгроқ, айниқса Ўзбекистон Фанлар академиясига вице-президент бўлиб сайланганидан сўнг янада ривожлантиришга катта эътибор берди. Ҳозирда бу илмий йўналиш республикамизда фалсафа соҳасидаги тадқиқотларнинг энг муҳим ва халқимиз миллий-маънавий меросини ўрганишга қаратилган энг йирик ва самарадор йўналиши ҳисобланади.

Иброҳим Мўминов Урта Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожланиши давлари, турли муаммолари

¹ Иброҳим Мўминов. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. Тошкент, 1960, 9-бет.

бўйича қатор тадқиқот, китоб, мақолалар нашр этди. Москвада босиб чиқарилган СССР халқлари фалсафаеи тарихига оид фундаментал китобларни тайёрлашда Ўзбекистон фалсафасининг ривожланишига оид бўлимлари билан фаол иштирок қилди. 1966 йилда Москвада И. Мўминовнинг «Ўрта Осиёнинг машҳур мутафаккирлари» китоби чоп этилди.

И. Мўминов халқимиз тарихий-маданий меросини, маънавиятимизни ўрганишга эътибор бера бориб вице-президентлик даврида (50-йиллар охирида ва 70-йилларнинг биринчи ярмида) гуманитар илмлар соҳасида нашр этилган Ўрта Осиё фалсафаси, маданияти, тарихи, адабиётшунослиги, ўзбек маданиятига оид жуда кўп асарлар, дарсликлар, тўпламлар, жумладан кўп томли китобларнинг муаллифи, ташкилотчиси ва раҳбари бўлди. Унинг бевосита иштироки ва муҳаррирлигида 4 томлик «Ўзбекистон ССР тарихи», 2 томлик «Самарқанд тарихи», 3 томлик «Ўзбекистон ишчи синфининг тарихи» каби фундаментал тадқиқотлар босиб чиқарилди, бой маданий меросимизнинг муҳим саҳифаларини ёритувчи қўлёзма асарларнинг араб ва форсчадан таржималари уюштирилиб, рус ва ўзбек тилларида нашр этилди. Унинг бевосита бошчилигида шу соҳалар бўйича республикамизда Бутуниттифоқ ва халқаро симпозиумлар, конференциялар бўлиб ўтди.

И. Мўминов маданиятимиз ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган, биринчи ўзбек энциклопедиясининг асосчиси ва бош муҳаррири ҳамдир. Унинг фаоллиги ва жонкуярлиги туфайли Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 5 томи нашрдан чиқиб, ўқувчиларга тақдим этилди ва 4 томи нашрга тайёрланди.

И. Мўминов ўзининг илмий ва ташкилотчилик фаолиятида айниқса миллий маданиятимиз ва унинг негизи бўлмиш Ўрта Осиё халқлари маданий меросини ўрганишга ниҳоятда катта эътибор берди. Унинг раҳбарлигида ўтмиш маданий меросимизнинг буюк намоёндалари Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Навоий, Бобур, Фурқат, Муқимий, Дониш кабиларнинг асарлари кенг ўқувчилар оммаси учун нашр этилди. Улар ҳақида рисоалар, китоблар тайёрланди, кўнларининг таваллуд кунлари нишонланди.

Иброҳим Мўминовнинг бевосита бошчилигида фалсафа, тарих соҳасида 80 дан ортиқ кандидатлик ва 20 дан кўпроқ докторлик диссертациялари ёқланди. Турли халқиро, Бутуниттифоқ илмий анжуманларда ҳам И. М. Мўминов Ўрта Осиё халқларининг миллий-маъна-

вий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича маърузалар билан қатнашди ва бу соҳада ташкилий ишларни амалга оширди.

Иброҳим Мўминов маънавий мерос, хусусан миллий-фалсафий меросни тадқиқ этишни на фақат Ўзбекистон, балки Тожикистон, Туркменистон ва бошқа Ўрта Осиё республикаларида ҳам ривожлантиришда фаол иштирок этди, бу республикаларнинг йирик файласуф олимлари билан, хусусан Тожикистон ССР ФА академиги А. М. Богоутдинов, Туркменистон ССР ФА академиги Г. У. Чориев, Қирғизистон ССР ФА академиги А. Олтишбоев кабилар билан яқиндан алоқада бўлди ва кадрлар тайёрлаш, илмий тўпламлар яратишда ҳамкорлик ишларини олиб борди.

Бу Иброҳим Мўминовнинг коммунистик идеология ва КПСС сиёсати ҳукмрон бўлган бир шароитда миллий меросга, халқимиз маданияти тарихини ўрганишга қанчалик катта эътибор берганини ва бу соҳада дадиллик билан иш олиб борганини кўрсатади.

КПСС томонидан олға сурилган Иттифоқ миқёсида маънавий ривожланишда интернационализм ва миллийлик диалектикасида интернационалликнинг етакчилик сиёсати Иттифоқдаги рус бўлмаган бошқа миллатларнинг миллий маданияти, маънавияти ривожига маълум даражада салбий таъсир кўрсатгани ҳозирда жамиятнинг янгиланиши, Иттифоқ ўрнида турли мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши жараёнида ошкор бўлиб қолди. Бу жиҳатдан Иброҳим Мўминовнинг 50—70-йиллари шиддатли равишда миллий-маънавий тарихини — миллий меросни кенг ўрганиш бўйича олиб борган фаолиятининг ўзи жасурлик, ғоявий мустақиллик учун курашнинг олдинги сафларида бўлиш эди. Бу жиҳатдан унинг вице-президент сифатида ўзбек адабиёти тарихи, Ўзбекистон халқларининг ўтмиш тарихи, маданий мероснинг ёрқин саҳифаларини ўрганиш, эски қўлёзмаларни таржима қилиб нашр этиш, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий кабиларнинг таваллуд топган кунларини нишонлашдаги улкан ҳиссаси ва жонкуярликлари ҳам юқоридаги фикримизнинг исботидир.

* * *

Иброҳим Мўминовнинг қаламига мансуб бўлган «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги роли ва ўрни» китобчаси биринчи бор 1968 йил 5 июнда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми қошидаги кенгашда

Ўқилган илмий маърузанинг матни асосида рус ва ўзбек тилида нашр этилган эди. Бу кенгашда академиянинг айрим раҳбарлари, турли институтлар, айниқса ижтимоий-гуманитар бўлимининг институтларидан таклиф этилган академик, мухбир аъзо, фан докторлари ва кандидатлари иштирок этиб, ушбу маъруза кенг муҳокама этилган ва ижобий баҳоланган ҳамда қимматли таклифлар, маслаҳатлар айтилиб, нашрга тавсия этилган эди. Бу маслаҳатлар ва муҳокаманинг натижалари нашрга олинган ҳолда текст рус ва ўзбек тилларида шу 1968 йили «Фан» нашриётида алоҳида китобча шаклида нашр этилди.

Бу воқеа республикамизнинг кўп зиёлилари, фан ва адабиёт вакиллари эътиборини ўзига жалб этди. Чунки у республика ва иттифоқ тарих фани учун қутилмаганда ниҳоятда дадил, совет фанида ҳукмрон бўлган мулоҳазалардан, социалистик мафкура талабидан ўзгароқ мавқега эга бўлган ҳодиса сифатида кутиб олинди.

Китобчанинг кириш сўзида бир йилдан сўнг — 1969 йилда Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланиши, республикамизда ЮНЕСКО нинг Марказий Осиёда Темур ва теурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро конференция ўтказилиши ва шу муносабат билан қатор муҳим вазифалар турганлиги қайд этилади. Булар китобчанинг, айниқса янги талқиндаги китобчанинг шу йили нашр этилишига сабаб эмас, баҳона эди, холос. Бундай китобчани бирданига эмас, аввалдан чуқур мулоҳаза, фикр юритиш натижасида пайдо бўлган деб билиш табиийдир. Марксча-ленинча мафкурага асосланган совет тарих фанида Амир Темур тўлиғича «босқинчи», «золим», «халқларни қақшатган қонхўр» деган турли салбий характеристикалар тўлиғича ҳукмрон бўлган бир шароитда И. М. Мўминов биринчи бўлиб Темурни илмий, объектив ўрганиш, унинг турли соҳадаги фаолиятига тўғри, изчил баҳо бериш масаласини кўтариб чиқди. Бу ўша шароитда ўз даври учун катта жасурлик, ўта кескинлик эди, ҳеч қайси олим бу ишга журъат эта олмаган эди.

Иброҳим Мўминов китобчада, табиий равишда, ўша даврда айниқса ҳукмрон бўлган Коммунистик сиёсат ва марксча-ленинча назарияга ҳавола этган ҳолда Амир Темурнинг бошқа ўлкаларни босиб олишдаги шафқатсиз урушлари ва сиёсатини эслаб ўтиш билан бирга, асосий эътиборни унинг Урта Осиё тарихи учун ижобий ролъ ўйнаганлигини тадқиқ этишга қаратади.

Хусусан, Темур Урта Осиёни мўғуллардан озод қи-

лиш ва уни мустақил ва кучли давлатга бирлаштиришга ва ҳар томонлама ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Шу билан бирга И. Мўминов тасвирида Темур Урта Осиёда шаҳарларнинг қурилишига, илм-фан, дин аҳлига эътибор берди, ўзаро феодализм низолатининг олдини олди, савдо-сотик, ҳунармандчиликка кенг йўл очди, бошқа давлатлар билан алоқаларни кучайтирди. мамлакатни бошқариш учун «Қонунлар» («Темур тузуклари») яратди, армияни мустаҳкамлади, иқтисодий ва сиёсий бақувват давлат системасини вужудга келтирди, буюк ва жасур саркарда, моҳир давлат арбоби бўлиб танилди.

Иброҳим Мўминов ўзи бошлаган ишни изчил давом эттирган ҳолда Темур томонидан яратилган давлатни бошқариш қонунлари — «Темур тузуклари»нинг («Ўложение Темура») инқилобдан олдинги рус нашрини «Фан» нашриётида қайта кўпайтириш (1968 йил), Темур даври ва унинг турли соҳадаги фаолияти ҳақида муҳим манба ҳисобланган XV аср бошида ёзилган Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг факсимиле нусхасини нашр (1972 й.) этишнинг асосий ташаббускори бўлди.

Ўзбекистонда Иброҳим Мўминовнинг бу фаолияти, унинг Темур ҳақидаги китобчаси жамоатчилик томонидан ижобий кутиб олинди. Лекин айрим шахслар Иброҳим Мўминовнинг бу ишларидан унга қарши кураш йўлида фойдаланиш ҳаракатига киришдилар. Китобча И. М. Мўминовни Темур фаолиятини «идеаллаштириш», унга ғайриилмий ёндашиш, сиёсий-ғоявий хатога йўл қўйишда айбдор қилиб кўрсатишга бўлган уринишларнинг авж олишига сабабчи бўлди. Бу ишга Москвадаги айрим илмий-текшириш институтларининг раҳбарлари, тарихчилар, ҳатто КПСС Марказий Комитетидаги баъзи раҳбар ходимлар ҳам жалб этилди. Бунинг натижаси сифатида 1978 йилда Москвада рус тилида чиқадиган иттифоқ илмий журналида бир тошкентлик муаллиф, сўнг «Вопросы истории» журналининг бир сонидан фан номзоди рус олими имзоси билан Амир Темурнинг тарихдаги ролини илмий ўрганишга бағишланган мақола нашр этилди. Бу мақолаларда И. М. Мўминовнинг Темур тўғрисидаги юқоридаги китобчаси кескин танқид остига олиниб, унинг муаллифи тарихни сохталаштиришда, Темурни идеаллаштиришда айбланди. Москвадаги партия раҳбарлари иштирокида мафкура масаласига бағишланган бир йиғилишда ҳам бу ҳақда айтиб ўтилди. Москвада чиқадиган қатор марказий журнал ва га-

зеталарда Темурни тилга олган ҳолда ўтмишни сохталаштирмаслик ҳақида умумий насиҳатомуз мақолалар ҳам нашр этилди.

Москвадан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига бу масала юзасидан чора кўриш тавсия ҳам этилди. Албатта республикада, унинг ғоявий ҳаётида рўй бераётган воқеалар, янгиликлар партия раҳбарияти, республика Компартияси Марказий Комитетининг эътиборида бўлишлиги ўша давр учун табиий бир ҳол эди.

Шубҳасиз, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, унинг биринчи секретари Шароф Рашидов Иброҳим Мўминовнинг фаолияти, олиб бораётган ишларидан, жумладан Темур ҳақидаги нашр ва мулоҳазаларидан хабардор бўлмаслиги мумкин эмас эди. Чунки республикамизнинг ғоявий-маънавий ҳаётининг ичида бўлиш, у билан яқиндан танишлик Шароф Рашидовдек моҳир, зўр тажрибага эга бўлган таланти раҳбар учун ҳам қарз, ҳам фарз эди, унинг асосий вазифаларидан эди. Қолаверса, Иброҳим Мўминов Ўзбекистон ССР Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси ҳам эди.

И. М. Мўминов узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академиясида ижтимоий-гуманитар фанларнинг раҳбари бўлиб ишлар, уларга жавобгар ҳисобланар, Шароф Рашидов у кишини Самарқанд Давлат университетида ўқиган 40-йиллардан бери яхши танир ва унинг Тошкентга, академияга ишга ўтишига сабабчиларидан бири бўлган эди. Маълумки, Шароф Рашидов маънавий кўлами ниҳоятда кенг, илм-фан, маданиятнинг ижтимоий аҳамиятини жуда яхши билган олим, санъаткорларга ўта эътиборли, ўз халқининг маънавий юксалиши учун бутун билими, кучини аямаган халқпарвар, ватанпарвар раҳбар эди. Қолаверса, у киши бутун республикага таниқли йирик ёзувчи эди.

Иброҳим Мўминов ниҳоятда тadbиркор, чуқур ўйлаб, сўнг иш бажарадиган доно одам эди. Текширишлар бошланганда Темурни ўрганиш, у ҳақидаги ишларга ЎзССР КП МК и аралашмагандек, ундан беҳабардек бўлди. Москвадан таъқиб ва тазйиқ кучая бориб, масала жиддийлаша бошлагач, республика раҳбарияти кичик бир қарор қабул этишга мажбур бўлди ва бу билан масала ёпилди. Лекин Амир Темур ҳақида И. М. Мўминов олиб борган ишлар, тadbирлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилган айрим Тошкент ва Москвадаги шахслар, раҳбарларнинг ҳаракати И. Мўминовнинг руҳиятига, саломатлигига салбий таъсир кўрсатди.

Уша йилларда мамлакатда ҳукмрон бўлган мафкуравий диктатура, ғоявий бирёқламалик — адолатсиз сиёсий қудратга асосланган бундай ифво, ноҳақ тўхматлар Иброҳим Мўминовга ниҳоятда оғир ботди. У кишининг виждони, нозик қалби, онги ноҳақ гапларни, шахсий мақсадларини ҳақиқатдан, ўз халқи маънавий манфаатларидан устун кўрувчи шахслар фалсафасини сингдира олмади. 1974 йил 22 июлда узоқ давом этмаган касалликдан сўнг Иброҳим Мўминов вафот этди.

Иброҳим Мўминов тарихни илмий ёритиш, миллий тарихга илмий ёндашиш, ҳақиқий маданий меросни тиклаш, мустақил фикр юритиш учун курашнинг қурбони бўлди.

Иброҳим Мўминов академик, вице-президент, Олий Совет депутаты, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, СССР нинг қатор орден ва медаллари, олий ёрлиқларининг совриндори, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Билим» жамияти раиси, ЎзФА сининг «Ижтимоий фанлар» журнали муҳаррири, Ўзбек энциклопедиясининг бош муҳаррири ва бошқа турли юқори лавозимларда бўлишига қарамай, ҳамма учун бир хилда эътиборли, у кишининг иш хонаси ҳамма учун ва ҳар доим очиқ эди. Бу хонага кирган одамнинг иши битиб, мамнун бўлиб чиқиб кетар эди.

И. М. Мўминов ажойиб олим, жонкуяр устоз, адолатли раҳбар сифатида юқори маданият ва мустақкам ирода эгаси, ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам ниҳоятда талабчан, қаттиқ интизом тарафдори бўлган ва бу йўлда биринчи бўлиб ўзи намуна кўрсатар эди. Лекин шу билан бирга бошқаларга, айниқса, ёшларга ғамхўр, ёрдам қўлни чўзишга доимо тайёр, ночорларга кўнгилчан, эътиборли, бағри кенг, олижаноб инсон эди. Биз шоғирдлари у кишини «домла» деб айтар эдик. 1993 йили у кишининг таваллудига 85 йил тўлди.

И. М. Мўминов фаолияти ва тафаккурининг муҳим хислатлари изчиллик, мустақиллик, эътиборлилик, чуқур ва асосли билим, кенглик эди. У ҳар доим мустақил фикр юритар ва ўз фикрида қатъий туриб, уни изчил амалга оширар эди.

И. М. Мўминовнинг фанимиз, маданиятимиз учун қилган хизматини биз ҳеч қачон унутмаймиз. Республикамизнинг мустақиллиги, миллий мероси, миллий маданияти учун курашган ҳурматли домламиз И. М. Мўминовнинг маданиятимиз, фанимиз ривожига қўшган ҳиссаси улкандир. У киши Темур фаолиятини илмий ёритиш, объектив ўрганиш зарур деб билди, бу тарихий

шахсининг қачонлардир юзага чиқишини, унинг улкан фаолиятига объектив ёндашишнинг амалга ошишини олдиндан кўра билди. Унинг бу орзуси фақат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви билангина юзага чиқмоқда.

Хурматли ўқувчи! Ушбу рисола 1968 йилда қандай чоп этилган бўлса, шундайлигича сизга ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон ФА академиги
М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ

Хурматли китобхонларга тақдим этилаётган ушбу рисола авторнинг 1968 йил 5 майда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумида бўлган кенгашда ўқиган лекциясининг текстидир. Бу кенгашда СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси О. С. Содиков; Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари: С. Н. Рижов, А. М. Музаффаров, В. Қ. Қобулов, Е. Х. Тўрақулов, М. Н. Набиев, С. Х. Сирожиддинов, М. Т. Ойбек, Я. Ф. Ғуломов, В. П. Шчеглов; Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари: М. З. Ҳомидхонов, М. К. Нурмухамедов, Ш. З. Уразаев, О. Э. Эшонов, М. Й. Йўлдошев, Р. Х. Аминова, Ю. С. Султонов; фан докторлари М. М. Хайруллаев, А. А. Аъзамхўжаев, Ҳ. З. Зиёев, Б. В. Лунин, Ҳ. Ш. Иноятов, Х. С. Сулаймонов, Ҳ. Т. Зарифов, А. Ҳ. Ҳайитметов, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, Э. Фозилов, Ф. Р. Рашидов, О. Д. Чехович, Ф. Абдуллаев; фан кандидатлари М. О. Охунова, С. А. Азимжонова, У. Қаримов, Қ. Муниров, К. К. Комилов, А. Т. Муҳаммаджонов, А. У. Уринбоев, С. Мирҳосилов, Ю. Ю. Юсупов, А. Ж. Шарипов, П. С. Темирхўжаев, А. Бўтаҳўжаев, О. М. Тошмухамедов, А. Асқаров, Р. Г. Мукминова ва бошқалар қатнашдилар.

Доклад бўйича Я. Ф. Ғуломов, Л. И. Ремпель, Б. В. Лунин, Ҳ. С. Сулаймонов, О. Э. Эшонов, Ш. З. Уразаев, Г. А. Пугаченкова, Ҳ. З. Зиёев, О. Д. Чехович, Ҳ. Ш. Иноятов, М. К. Нурмухамедов, М. М. Хайруллаев, Р. Г. Мукминовалар сўзга чиқдилар. Улар докладда айтилган асосий масалаларни маъқулладилар ва муаллифга ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни китобча ҳолида нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлигини айтдилар.

1969 йилда Совет Иттифоқлари, бутун дунё тарихида, айниқса XIV—XV асрларда муҳим роль ўйнаган қадимий ва навқирон шаҳар—Самарқанднинг 2500 йиллигини нишонлайдилар.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз олимлари юбилейга бағишланган илмий сессияга зўр ғайрат билан тайёрланмоқдалар ва 2 томлик «Самарқанд тарихи» асари устида иш олиб бормоқдалар.

Бу ҳол олимларимизнинг Урта Осиёдаги уйғониш тарихига бўлган диққат-эътиборини оширмоқда.

1969 йилда Самарқандда ЮНЕСКО томонидан уюштирилаётган Халқаро конференция бўлади. Конференция Темур ва темурийлар давридаги Марказий Осиё санъатини ўрганишга бағишланган бўлиб, бу ҳол республикаимиз олимлари олдида бир қатор муҳим ишларни бажариш вазифасини қўяди.

Бугунги куннинг талабига, тақозосига кўра ҳамда ўртоқларнинг истакларини эътиборга олиб, муаллиф ёзма манбалар маълумотларидан фойдаланиб ёзилган ушбу рисолани нашр эттиришга журъат этди; унда Амир Темурнинг Урта Осиё тарихидаги роли ва тутган ўрнини ёритишга ҳаракат қилди.

Автор ушбу ишга бағишланган кенгашга ва доклад муҳокамасига қатнашган барча ўртоқларга ўзининг сямимий миннатдорчилигини билдиради. Агар мазкур китобча юксак дидли китобхонларга озгина бўлса-да фойда келтирса, автор ўз олдида қўйган мақсадига эришган бўлади.

*Автор
Тошкент, 1968 йил 15 июль.*

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси марксча-ленинча назарияга амал қилиб, ўтмиш адабиётимиз ва фанимизнинг буюк намояндалари, шунингдек, тарихда маълум аҳамиятга эга бўлган атоқли шахсларнинг ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни ташкил қилди ҳамда ташкил этмоқда. Шу билан бирга Коммунистик партия таъкидлаб ўргатадики, муайян шахснинг тарихда тулган ўрни ва ролини тўғри белгилашнинг бирдан-бир илмий усули бу унинг фаолиятини конкрет, тарихий ва синфий жиҳатдан анализ қилиш ҳамда характерлашдир.

Тарихда машҳур шахслардан бири Амир Темурдир. Темур Ўрта Осиё (Мовароуннаҳр) сиёсий ҳаётида XIV аср 50-йилларининг охири ва 60-йиллари бошларида кўринди. Бу даврда чигатоё улусидан чиққан ва Чингиз хонларни ўртасида олиб борилган ўзаро урушларда ўлдирилган Қозонхон ўрнига амир Қозоғон ҳукмронлик (1346—1358) қилар эди. Аммо Қозоғон ҳам мўғул хони Туглик Темур малайлари томонидан ўлдирилади. Уша даврда Чигатоё улусига қарашли бўлган Мовароуннаҳр майда феодал давлатларига бўлинган бўлиб, Кеш—Шаҳрисабз, Бухоро, Термиз, Бадахшон, Хўжанд, Шош—Тошкент ва бошқа вилоятлар ҳокимлари ўртасида тинимсиз уруш-жанжаллар давом этиб келарди. Иши, кучи фитна ва ғавго чиқаришдан, меҳнаткашларни қийнаш ва талашдан иборат бўлган бу ҳокимлар, феодаллар мамлакат ва халқ бошига сон-саноксиз кулфатларни соларди. Темур ҳам бу феодал ўзаро урушларига араллашиб, ўзининг қобиляти ва уддабуронлиги билан элга танилган эди.

В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига

қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгилликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади»¹.

Биз В. И. Лениннинг мана шу доно кўрсатмасига суяниб, ушбу асарда Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тулган ўрни ва ролини тарихий манбалар маълумотлари асосида объектив равишда ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

I

Амир Темур бин Тарағай Баҳодир (1335—1405) ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади.

Биринчи давр 1360—1386 йилларни ўз ичига олади. Темур бу даврда Мовароуннаҳрда Мўғул хонлигидан мустақил кучли марказлашган давлат тузиш йўлида курашди, Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган турк ва тожик зодагонлари—оқ суяклар каби социалкучлар билан биргаликда ўрта аср ўзбошимча феодалларига, марказлашиш ва бирлашишга зид ҳаракатларга, мамлакатни парчаланган ҳолатда сақлашга интилувчиларга, ўзаро урушларга ундовчиларга қарши кураш олиб борди.

Темур фаолиятининг иккинчи даври асосан 1386 йилдан бошланиб, 1402 йилгача давом этади. Бу давр Темурнинг уч йиллик, беш йиллик, етти йиллик деб аталувчи ҳарбий хуружлари ёки, Шарафуддин Али Яздий таъбири билан айтганда, ҳарбий юришлари билан характерланади.

Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Закавказье, Турция, Миср, Россиянинг жанубий районлари территорияларини босиб олиш учун Темур қилган урушлар, шубҳасиз, талончилик, босқинчилик характерига эга эди. Бу урушлар шавқатсиз равишда олиб борилганди. Шу сабабли ҳам Темур халқ хотирасида, ушбу мамлакатлар йилномаларида ҳаққоний ва объектив равишда зolim, босқинчи сифатида ифодалангандир.

Шарафуддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида Темур қўшинлари томонидан шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон қилинганлигини, одамларнинг қирилганини батафсил баён этади. Тўғри, Шарафуддин Али Яздий бу ҳаракатларнинг ҳар бирига қандайдир объектив сабабларни рўқач қилишга ҳаракат қилади. Лекин у Темур қўшинларининг босиб олинган мамлакатлар-

¹ В. И. Ленин. Асарлар. 2-том, 190-бет.

даги даҳшатли кирдикорларини шу тарзда баён қиладики, ҳар бир соғлом фикрли ўқувчи бу зулмларни кескин ва қатъий қоралайди.

К. Маркс Темур фаолияти ҳақида гапириб, Темур ўзи тузган янги подшоликнинг давлат тузумини мустақкамлаганлигини, тузук қонунлар жорий этганлигини, бу тadbирлар эса унинг аёвсизлик билан амалга оширган босқинчиликларига тамоман зид эканлигини қайд этган эди². Маркснинг ҳамда Лениннинг илмий диалектик қондаси юзасидан биз мазкур ишимизда Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва ролини кўрсатишга интилдик.

II

Темурга, унинг давлатига ва ҳарбий юришларига бағишланган адабиётлар кўп. XIV ва XV асрлар тарихномалари орасида Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»³ асари алоҳида ўрин эгаллайди. Яздий Темур ҳаётининг охириг йилларида унинг бош девонида хизматда бўлиб, Темурнинг кўп жойларга, жумладан, Кичик Осиё мамлакатларига қилган ҳарбий юришларида иштирок этган. Яздийнинг айтишича, у ўзининг бу асарини Темурнинг набираси Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли — Султон Иброҳим топшириғи билан ёзган.

XIV ва XV асрлар тарихномаларида Темур фаолияти идеалистик нуқтаи назардан ёритилади. Уларда Темурга гоҳ хайрихоҳлик, гоҳ хуш келмаслик майллари намоён бўлади. Шунга қарамаздан, умуман олганда, бу манбаларда Темур ҳақида бой тарихий фактик материаллар бордир.

Афсуски, бу қўлёзмалар ҳали тўлиқ ва изчил равишда ўрганилгани йўқ. Шу муносабат билан Темур ва темурийлар тарихи, бутун Ўрта Осиё тарихи билан шўғулланувчи барча олимларимизга мурожаат қилиб, Мовароуннаҳр тарихида муҳим ўринни ишғол этган ана шу даврни янада чуқурроқ ва систематик равишда ўрга-

² К. Маркс. Хронологические выписки. Архив Маркса и Энгельса т. VI, стр. 184.

³ Шарафуддин Али Яздий XIV асрнинг 80-йилларида Язда турилиб, XV асрнинг бошларида Темурнинг бош девонида солномачи бўлиб ишлайди. 1404 йилдан 1415 йилгача у Темурнинг ўғли Шоҳруҳ саройида хизмат қилади. 1415 йилдан бошлаб Шоҳруҳнинг ўғли Султон Иброҳим хизматида бўлади. У тахминан 1454 йилда вафот этади. Алишер Навоий Яздий ҳақида гапириб: «Мавлононинг соҳиб камоллиғи олам аҳли қошида мусалламдур», — дейди (қаранг: «Мажолисун нафос», 30-бет).

нишлари лозимлигини яна ва яна қайд этишни истар эдик.

Энди Шарафуддин Али Яздийнинг Темур ҳарбий юришларига бағишланган юқорида айтилган асари — «Зафарнома» ҳақида бир оз тўхтаб ўтайлик.

Яздий ўз асарининг охирида уни «Фатҳнома»⁴ деб атаб, унинг «Санаи арбасин ва саманмон алҳижрат», яъни ҳижрий 840 (милодий 1437) йили рамазон ойида ёзиб тугалланганини айтади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими Абдулла Носиров Шарафуддин Али Яздийнинг ушбу қўлёзмасини ўрганиб, унинг 1419 йилда бошланиб, 1437 йилда ёзиб тугалланганлигини қайд этади. Бу ахборотга биноан, Яздий 493 varaқ, яъни 986 бетли асар устида 18 йил меҳнат қилган.

Бошқа бир манба — «Қомус ул-аълам» нинг тўртинчи жилди 2848-бетида айтилишича, Яздийнинг ушбу асари тўрт йил давомида ёзилиб, ҳижрий 828 йилда тугалланган.

«Ўзбекистон ССР тарихи» нинг барча нашрларида эса (1950, 1955 ва 1967 йиллар) «Зафарнома» асари 1425 йилда ёзилганлиги айтилади. Бизнинг таҳлил — анализ «Зафарнома» 1437 йилда ёзиб тугалланганлигини тасдиқлайди.

Шарафуддин Али Яздийнинг барча фикрлари ўрта аср тарихномаси традицияси асосида баён этилган бўлиб, унинг тарихга қарати бағиш батомом идеалистик характерга эгадир.

Яздийнинг тарих фанига берган таърифи бирмунча диққатга сазовордир. У, жумладан, тарих фанини шарафли ҳамда олий мартабали деб ҳисоблайди:

تاریخ علمی شریفست و مرتبة عالی دارد

Тарих фани мамлакат ҳамда давлатлар ўтмишида юз берган ҳолатларнинг сабабларини ўрганади; қайси тadbир ва чоралар туфайли мамлакатда осойишталик бўлганлигини, қандай шароитларда мамлакат регресс, ҳалокат йўлига тушиб қолганлигини, шунингдек, уни бу йўлдан чиқариш, прогрессга йўл очиш учун қайси ишларни қилиш керак ёки қилмаслик кераклигини кўрсатиб беради, дейди Яздий. Бу саволларнинг барчасига тарих фани жавоб топиши мумкин ва «Зафарнома» да Шарафуддин Али Яздий бунга кенг изоҳ беради.

⁴ «Зафарнома». ЎзССР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари фонди, № 4472.

«Зафарнома» тарихий фактик материалларга бойдир. Айрим тарихий воқеалар унда бадиий тасвирланади. Шу сабабли «Зафарнома» Темур ва унинг давлати тарихини ўрганишда энг қимматбаҳо манба бўлиб ҳисобланади.

Муаллифнинг таъкидлашича, бу тарихий асар бошқа шу хилдаги асарлардан фарқ қилиб, турк тилидаги ва Темурнинг ўзи айтган сўзлари асосида ёзилган китобларга суянган. Китобдаги гапларга ўқувчида гумон ҳосил бўлмаслиги учун биз асарнинг ушбу томонини атайлаб қайд этамиз, дейди Яздий⁵.

Шарафуддин Али Яздийнинг қуйидаги маълумотларини ҳам ғоят қимматли деб ҳисоблаш лозим. Унинг айтишича, Темур бош девонида «Манзумаи турк» асари тузилган, ушбу асар ёзилаётганда унинг парчаларини Темур неча-марталаб ўқиб чиққан; баъзи жойларини тузатган, таҳрир этган, қўшимча далиллар зарур бўлиб колганда ўша воқеа содир бўлган ерларга махсус одамлар юбориб аниқлаттирган; воқеаларнинг доимо тўғри, хронологик тартибда ҳамда тарихий ҳақиқатга мос равишда ёритилишини талаб қилган⁶.

III

Қашқадарё воҳасининг ҳокими Амир Ҳожи Барлос 1360—1361 йилларда Мўғулистон хоқони Тўғлиқ Темур қўшинларининг Мовароуннаҳрга, жумладан, Қашқадарё воҳасига бостириб киришидан қўрқиб Амударёнинг нариги соҳилига, Хуросонга қараб қочади. Темур ҳам Амир Ҳожи Барлосга ҳамроҳ бўлиб боради. Бироқ Темур юз берган вазиятни ҳисобга олиб шу ҳолда қочиб кетилаверса ўз ватанининг душман қўшинлари томонидан топталишини кўз ўнгига келтиради. Шу сабабли тоғаси Ҳожи Барлосга, сизнинг Хуросонга қараб йўл олишингиз, менинг эса вилоятни вайронгарликдан қутқазиб қолиш учун Шаҳрисабзга қайтишим маъқулдир ва давлатни идора қилишни сақлаб қолмоқлик мақсадида мўғул хони хизматига кирганим фойдалидир, дейди. Шу ўринда Яздий Темурнинг мана бу сўзларини ҳам келтиради:

ملك بى سېر چون تن بى جان بود
حال تن بى جان يقين ويران بود

Мазмуни: Бошлиқсиз мамлакат жони суғуриб олин-

⁵ «Зафарнома», 90-бет.

⁶ «Зафарнома», 91-бет.

ган танага ўхшайди. Жонсиз тана унинг ҳалокати билан баравардир⁷.

Шундай қилиб, ўзига хос ватанпарварлик ҳиссиётлари билан руҳланган, ижтимоий-социал воқеаларни ўзича тушунган тadbиркор Темур 25 ёшида Шаҳрисабз ҳокими бўлишга муяссар бўлади. Шу йили эса унинг отаси — турк зодагонларидан, оқ суяклардан бўлган Амир Тарағай Баҳодир вафот этади.

Шарафуддин Али Яздий Амир Темур билан Ҳусайн ўртасидаги дўстликни (Амир Ҳусайн чигатой улусининг ўлдирилган амири Қозағоннинг набираси бўлиб, у Мовароуннаҳр ҳокимлигига даъвогар эди), Темурнинг Амир Ҳусайн синглисига уйланишини батафсил баён қилади. Мовароуннаҳрга бостириб кирган мўғул хони Тўғли Темурнинг ўғли Илès Хўжага қарши курашда сарбадорлардан фойдалангани ҳам автор томонидан ғоят ҳаққоний равишда тасвирланади. Шундан сўнг Яздий Самарқандда сарбадорларнинг раҳбарларидан, масалан, Абу Бакр Қалавийнинг Амир Ҳусайн томонидан қатл қилинганлигини, Темур томонидан Мавлоназода ҳаётининг сақлаб қолинганлигини ёзган. Темурнинг ғаразгўй, ғоят хасис Амир Ҳусайнга қарши кураши, Темур хотинининг (Амир Ҳусайннинг синглиси) ўлиши ва Темурнинг Ҳусайн устидан ғалабаси ҳам ушбу китобда айтилгандир. Шунингдек, Яздийнинг ёзишича, Темур ўз амрлари олдида сўзлаб, Амир Ҳусайн гуноҳларини кечирган ва Хутталон — Жилён ҳокими Қайхусровга мурожаат қилиб, ундан ҳам укасининг ўлими учун Амир Ҳусайндан ўч — хун олмаслигини сўраган ва шу билан ҳокимлар, зодагонлар ўртасидаги уруш-жанжалларга чек қўйилган бўлур эди деганлиги қайд этилган. Лекин тарихда Амир Ҳусайн худди шу Қайхусров томонидан ўлдирилганлиги⁸ маълум.

Ушбу ўринда тарихчиларимиз диққатини муҳим бир фактга жалб этишни истардик. Сарбадорлар ҳаракатининг айрим бошлиқлари билан Темурнинг олдин ҳам алоқада бўлганлиги ривоят қилинади. Бу ҳақда тарихномаларда, жумладан, марксист, машҳур шарқшунос А. Ю. Якубовский асарларида аниқ кўрсатилгандир. Аммо Темур билан сарбадорларнинг айрим раҳбарлари ўртасидаги бу алоқа қайси сабабларга кўра келиб чиққанлиги ҳали тўла аниқланган эмас. Бизнинг фикримизча, мўғул зулми асоратига қарши кураш ва Мовароун-

⁷ «Зафарнома», 96-бет.

⁸ «Зафарнома», 138-бет.

наҳрда мустақил давлат тузиш учун олиб борилган ҳаракатлар сарбадорларнинг айрим раҳбарларини, биринчи навбатда, уларнинг илҳомчиси ва идеологи Мавлоназода ва Темурни бир-бирларига яқинлаштирган, кўмакдош этган; худди шу сабабдан сарбадорлар бошлиқлари Темур фаолиятининг асосан биринчи даврида юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун Темурни қўллаб-қувватлаганлар, унга ёрдам берганлар. Сарбадорлар илҳомчиси Мавлоназоданинг тақдири ҳам жуда қизиқарлидир.

Бизнинг фикримизча, тарихий адабиётларда «сарбадор» сўзи «бош дорга» деб аниқ талқин этилмасдан тушунтирилади. Бу адабиётларда ёзлишича, сарбадорлар «агар ғалаба қозонсак, халқни мўғул зулмидан озод қилган бўламиз, борди-ю ғалабага эриша олмасак, унда дорга осилиш учун тайёرمىз, негаки азоб-уқубатларга ортиқ бардош бериш мумкин эмас», дер эмишлар.

Бизнинг тушунишимизча, сарбадорлар халқни мўғул зулмига қарши курашишга чақирганлар, халққа мурожаат қилиб: дорга осилганларга қаранг, бошни юқори кўтариб, зулмга, дорга қарши қўзғолинг, зулм-азоб, хўрлик кишанида яшагандан кўра ўлганимиз яхшироқ, деб хитоб қилганлар.

Тарихчиларимиз умуман Мовароуннаҳрда, хусусан, Самарқандда сарбадорлар ҳаракатини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишлари лозим. Сарбадорлар ҳаракати тарихда ёрқин саҳифаларга эга бўлиб, унинг илдизи халқ ҳаётига, XIV асрнинг иккинчи ярми Мовароуннаҳр социал-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига боғланиб кетгандир.

IV

Темур ўз фаолиятининг биринчи даврида барча ҳаракатини Мовароуннаҳрда тушқунликка ва ҳалокатга юз тутган Чингаой улуси ўрнига бирлашган, марказлашган мустақил давлат тузишга қаратди.

Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни ўз қўлига олгач, унинг дастлабки тадбирларидан бири планли равишда қурултойлар ўтказиш бўлди⁹. Шарафуддин Али Яздий юқорида айтилган асаида Темур томонидан Қаршида¹⁰, Қорабоғда¹¹, Самарқандда¹² ва бошқа жойларда ўтка-

зилган қурултойлар ҳақида маълумот бериб, уларга барча шахзодалар, бош амалдорлар, маъмурий раҳбарлар, ҳарбий бошлиқлар ва аристократия вакиллари иштирок этганлигини ёзади¹³:

قرلتاي فرمود وقت بهار
که پشت زمين چوروی نكار
شدند انجمن جمله شهزادگان
بزرگان کردان و آزادگان

Шундай қилиб, Яздийнинг асаида Темур томонидан чақирилган қурултойларнинг синфий табиати, турк ва бошқа халқлар феодал олий табақасининг кенгаши эканлиги очиқ кўрсатилади.

Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, бу қурултойларда мамлакат ва давлатнинг хўжалик соҳасидаги ҳамда ҳарбий аҳвол ҳақидаги энг муҳим масалалари муҳокама этилар, мамлакат ва давлат учун зарурий ҳисобланган ишларни бажаришда бирлашиб ҳаракат қилишга қаратилган қарорлар қабул қилинар, тадбирлар белгиланар эди¹⁴.

* * *

Шарафуддин Али Яздий Самарқандда бўлиб ўтган бир тўй (طوی بزرگ) маросимини гоёт нозик дид ва усталик билан тасвирлайди. Бу тўй байрам тусини олган бўлиб, Темурнинг ўғиллари ва набиралари тўйи эди.

Яздийнинг ёзишича, тўйда машҳур санъаткор Хўжа Абдиқодир бошчилигида туркча, форсча, мўғулча, хитойча, арабча қўшиқ ва рақслар ижро этилган¹⁵. Муаллиф тўй базмини ҳаяжон билан таърифлаб меҳмонлар олдига олтин ва кумуш суви югуртирилган идишларда турли хил таомлар тортилганини, шароб, қимиз, мусаллас, ароқ мўл-кўл қўйилганини ёзади.

Бу тўй икки ой давом этган. Бундай тўйни, — деб ёзади муаллиф, — ҳатто Афросиёб ҳамда Фирудун замонасида ҳам ҳеч ким кўрмаган ва эшитмаган.

Шундан сўнг Темур фармон эълон қилиб, мамлакатнинг барча ерида шароб ичишни тақиқлайди¹⁶. Чунки

⁹ «Зафарнома»да бу ҳақда маълумотлар келтирилган.

¹⁰ «Зафарнома», 110-бет.

¹¹ «Зафарнома», 357-бет.

¹² «Зафарнома», 445-бет.

¹³ «Зафарнома», 206—207, 357-бетлар.

¹⁴ «Зафарнома», 357-бет.

¹⁵ «Зафарнома», 462-бет.

¹⁶ «Зафарнома», 453-бет.

шароб одамларни ишдан қолдириб, ҳар хил бузғунчиликларни, ғараз ниятларни келтириб чиқаради.

Шуни қайд этиш лозимки, Темурнинг шароб ичишни ман этиш ҳақидаги бу фармони асосида шарият ва диний мотивлар эмас, балки соф амалий ҳамда сиёсий мотивлар ётади.

Темурнинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг конкрет қарор қабул қилар эди. Унинг олимлар билан қиладиган маслаҳатлари ҳар хил даражада ва турли шаклларда бўларди. Одатда, Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих фанлари вакиллари, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, теология ва дин соҳасидаги машҳур одамлар билан шахсий суҳбатлар ўтказарди. Бу суҳбатларда ҳаётнинг муҳим масалалари тўғрисида Мовароуннаҳр ва Хоразмдан ташқари, Олтин ҳамда Оқ Урдаларни, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Туркия, шунингдек, бутун Ғарб — Мағрибни ўз ичига олган подшоҳликка оид ишлар ҳақида гап борарди¹⁷.

Шундай ҳам бўлган: Темур олимлар ва руҳонийларнинг мажлисини чақириб, унда одатдагидек нутқ сўзлаган, мамлакатни, фуқароларни бошқаришда, турли хил иншоотлар ва жамоат бинолари қуришда унга олимлар, фузалолар ўз маслаҳатлари билан кўмаклашишларини сўраган.

Бу жиҳатдан Яздий «Зафарнома»сининг эндигина янгидан бунёд этилган Боилкан шаҳрида Темур томонидан ҳижрий 806 йилда чақирилган олим — фузалолар кенгаши ҳақидаги маълумоти диққатга сазовордир. Кенгашда Темур нутқ сўзлаган. У ўз нутқида бундай деган: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишга менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг сунистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аёндр. Шулар ҳақида

маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шарият ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлурди. Агар олдин бизнинг диққат-этиборимизда ўзга мамлакатларни ишғол қилиш учун бўлган ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан»¹⁸.

Темур саройида хизмат қилувчи олимлар орасида Мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Олоуддин Қоший, Жалол Хокий ва бошқалар бор эди. Темур илм-фаннинг математика — риёзиёт, геометрия — ҳандаса, архитектура — меъморлик, ахтаршунос, астрономия, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳаларини ривожлантиришга айниқса катта эътибор берарди, ў соҳибҳунар — ҳунар эгалари — усталар билан зўр қизиқиш билан суҳбатлашар эди.

Шу муносабат билан яна бир масалага ўқувчилар диққатини тортмоқчимиз. Бу ахтаршунослик масаласидир.

Бизнинг фикримизча, ахтаршунос — юлдузшунос, астролог эмас. Астролог — қурачи Темур олдида бошқа феодал ҳокимларидаги каби катта эътиборга эга бўлмаган. Ахтаршунос Темур учун вақтни белгилаш, йўл йўналишини аниқлаш учун, яъни ҳарбий ва савдо амалий ишлари учун зарур бўлган. Самода юлдузларнинг жойлашишини яхши билган ахтаршунос — юлдузшунос қутб юлдузи — Темур қозикқа қараб муайян жой координатларини — шимолни, жанубни, шарқни, ғарбни осонгина аниқлай олган; Етти Қароқчи юлдузларига, Сомон йўлига, Зухра ёки Моки, Поза, Қари ва ҳоказо юлдуз туркумларига қараб вақтни — соатни белгилеган. Уша даврларда ҳали компас кашф этилмаганлиги эътиборга олинса, юқоридаги ахтаршунослик, юлдузшунослик ишларининг қанчалик зўр аҳамиятга эга бўлганлиги равшандир. Ҳозирги кунда ҳам юлдузшунослик амалий қимматини йўқотмагандир.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ушбу соҳада ҳам табиий билим тарихини ўрганувчилар олдида қанчадан-қанча ўрганилмаган масалалар бор; алоҳида аҳамиятли илмий жасорат майдони мавжуд.

¹⁸ «Зафарнома», 288-бет.

¹⁷ «Зафарнома», 288-бет.

Амир Темур умуман бадий адабиётга, хусусан поэзияга доимо қизиққан ва диққат бериб ундан баҳраманд ҳам бўлган.

Маълумки, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярмида Самарқанд, Ҳирот, Балхда турк-ўзбек адабиётининг машҳур арбоблари, шунингдек, форс-тожиқ тилида ҳам шеърлар ёзиб машҳур бўлган Атоий, Саккокий, Лутфий каби шоирлар яшаб ижод этдилар. Алишер Навоий ўз даврида бу шоирлар номини ҳурмат билан тилга олади, уларни ардоқлаб куйлайди, улуғлайди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, Алишер Навоийнинг сўзича, Темурнинг подшолик давридан эътиборан туркий адабиёт кенг тараққий эта бошлайди.

Алишер Навоий форс тилида ижод этган машҳур сиймолар: устози фан Фирдавсий, нодир замон шайх Низомий, ғазалда мухтарини вақт шайх Саъдий ҳамда ягонаи аср Хожа Ҳофиз Шерозийлар шанига тахсинлар ўқиб, уларни улуғлаб, туркий тилда ёзувчи шоирлар ҳақида гапиради:

«...Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шохрух Султон замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуш таъб салотини зуҳурға келди: шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадейдеклар. Ва форсий мазкур бўлгон шуаро муқобаласида мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, таъб аҳли қошида ўқуса бўлур. Ул жумладин бири будурким,

Байт:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Ва салотиндин ҳам ўлғуча таъб асари ҳеч қайсидин зоҳир бўлмади ва варақ юзига нақш қилғуча нима қолмади, Султон Бобирдин ўзгаким, бу матлаъ алар таъби асаридурким,

Байт:

Неча юзунг кўруб ҳайрон бўлайин,
Илоҳи мен сенга қурбон бўлайин*».

Навоий Темур ҳақида бундай деб ёзган эди: «Темур Кўрагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдак бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонича бор. Табаррук ҳайсиятиданким, ул

* Алишер Навоий. Асарлар, 14-том, 128—129-бетлар.

ҳазратнинг муборак исми бу мухтасарда бўлғай ва ул латоийфдин бири билан ихтисор қилилур»¹⁹.

V

Темур даврида Самарқанд янгича усулда қайта қурилди. Шунгача Самарқандда мўғуллар — ажнабийлар ҳукмронлиги даврида, яъни 1220—1360 йиллар, демак кейинги 140 йил давомида ҳеч қандай катта бирон бино қурилмаган эди. Бу тарихий факт Шарафуддин Али Яздийнинг асарига ҳам, Испания — Кастилиянинг Темур саройидаги машҳур элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг кундалик дафтарларида ҳам айниқса яққол ифода этилгандир. Клавихо Самарқандда 1403—1406 йилларда бўлган. Унинг ёзишича, Самарқанд шаҳрида ҳар йили кўплаб турли хил мол-товарлар сотилган. Бу моллар Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан ҳамда жуда бой Самарқанд подшолигининг ўзидан ҳам олиб келинар эди.

Шундан сўнг Клавихо бундай деб ёзади: «Унда (Самарқандда) барча нарсаларни тартиб билан сотиш учун катта жой бўлмаганлиги сабабли подшоҳ шаҳар бўйлаб катта кўча (раста) чиқаришни, унинг икки томонида эса мол сотиш учун дўконлар қуришни буюрди. Бу кўча — раста шаҳарнинг бир чеккасидан бошланиб, бутун шаҳарни кесиб ўтиши ва унинг иккинчи чеккасигача чиқиши керак эди. Бу ишни подшоҳ ўзининг икки мирросига (мирзосига) топширди ва агар улар бу вазифани бажаришга астойдил киришмасалар, одамларни кеча-ю кундуз ишлагашга мажбур қилмасалар бошлари кетишини уқтирди. Миррослар ишга тушдилар. Подшоҳ кўрсатиб берган ердан кўча — раста қуришга киришилди. Раста ўтадиган ерларда учрайдиган уй-жойлар, улар кимники эканлигидан қатъий назар, бузила бошланди. Уй эгалари ҳам бу аҳволни кўриб, бор-йўқ нарсаларини кўтариб қочавердилар. Бир гуруҳ кишилар бузиш ишларини тугатишлари билан уларнинг ўрнига бошқа гуруҳ одамлар келиб қурилишни тезлатиб юборардилар. Кўча нима жуда кенг қилиб олдилар; унинг икки томонидан савдо дўконлари қурдилар. Ҳар бир дўкон олдида оқ тошлар билан қопланган баланд курсилар қўйилган. Дўконлар икки қаватли бўлиб, уларнинг тепаси эса бутун кўча бўйлаб гумбаз қилиб қоплаб олинган, ёруғлик туш-

¹⁹ Алишер Навоий. Асарлар, 12-том, «Мажолисун нафос», етинчи мажлис, Тошкент, 1967, 169-бет.

син учун гумбаз саҳнида деразалар ўрнатилган эди. Дўконлар битиши билан уларга турли хил мол сотувчи савдогарларни ўрнаштирар эдилар. Кўчанинг ҳар ер-ҳар ерида ҳовуз қавланган бўлиб, улар сувга тўлдирилиб қўйилганди. Бу ерда ишловчи одамлар маош ҳақларини шаҳар ҳисобидан оларди. Ишга олинишда ҳам, талабнома қанчалик кўп бўлмасин, шу иш қўлидан келадиган одамлар танланар эди. Кундуз куни ишлаганлар кетиши ҳамона кечаси ишловчилар келардилар. Бировлар йўлга тушган уй-жойларни бузсалар, иккинчилари ер текислар, улар кечаю кундуз шовқин-сурон билан ишлар эдилар. Натижада кишини ҳайратга соладиган ишлар қилинди»²⁰.

Клавиho Самарқандда бўлган бу ишларни ўз кўзи билан кўрган; шунинг учун ҳам юқоридаги таърифда воқеани бузиб тасвирлаш ёки бўрттириб юбориш ҳоллари бўлмаса керак.

Шуни эслаб ўтиш ўринлики, Самарқанд шаҳар сифатида милоддан олдин VI—V асрларда шаклланган бўлиб, Зарафшон водийси юқори қисмининг маркази ҳисобланарди. Александр Македонский — Искандар Зулқарнайн милоддан олдин 329 йилда Самарқандни босиб олганда, Суғдиёнанинг бу мустаҳкам марказий шаҳри эканини ўз кўзи билан кўриб, ҳайрат бармоғини тишлаган эди.

Самарқанд шаҳри тарихининг энг муҳим этапларидан бири — халқимизнинг араб босқинчиларига қарши жасурлик билан олиб борган курашида унинг марказий таянч бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқдир.

Самарқанд тарихининг навбатдаги этапи Чингизхон босқини, юриши билан алоқалидир. Чингизхоннинг ёввойи қўшинлари Самарқандни — Афросиёбни тамоман бузиб ташладилар. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Чигатой улусининг — чингизийларнинг 1220—1360 йиллар ичидаги ҳукмронлиги даврида Самарқандда кўзга кўринарли бирорта ҳам ижтимоий бино қурилган эмас.

Темур Самарқанддаги аҳволни бутунлай ўзгартириб юборди. У Самарқандда Кўксарой, Бибиҳоним масжидини, Шоҳизинда мавзолейини, Самарқанд атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилқушо, Боғи Бехишт, Боғи Нав каби боғ ва саройларни қурдирди. Йўллар қуриб,

²⁰ Рюи Гонзалес де-Клавиho. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403—1406 гг. Подлинный текст с переводом и примечаниями восстановлен под редакцией И. И. Срезневского, СПб., Типография Императорской Академии наук, 1881, стр. 316, 318.

Кўҳак—Зарафшон дарёлари орқали кўприклар солинди, шунингдек, кейинчалик Амударё ва Сирдарёга кўприк қурилди, Тошкент атрофига каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилди. Шаҳар типдаги Оҳангарон қишлоғи қурилди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвон саройлари ва бошқа қурилишлар билан бирга ирригация иншоотлари қад кўтарди. Шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган миқёсда, масштабда олиб борилди. Қурилишга маҳаллий архитектор — усталар — соҳиби ҳунарлардан ташқари Темур забт этган ўзга мамлакатларнинг кўплаб қурувчилари, меъморлари жалб этилди.

Ўрта Осиё санъатининг кўзга кўринган тадқиқотчилари — санъатшунослик фанлари докторлари Л. И. Ремпель ва Г. А. Пугаченковалар конкрет равишда ҳар томонлама олиб борган текширишлар натижасида XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида умуман Мовароуннаҳр, хусусан Самарқандда янгича санъат юзага келганлигини қайд этадилар. Мовароуннаҳр—Ўрта Осиёнинг оригинал, ўзига хос меъморчилиги, санъати хусусиятларини ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқда ривожланган бадний тафаккурни ўзида ифодалаган эди.

Бу авторлар XIV аср охиридан бошлаб Мовароуннаҳр Яқин ва Ўрта Шарқ ижодий кучларининг бош марказига айланганини, санъатда янги йўналиш пайдо бўлганини айтидилар. Буни ҳаттоки Темур замондошлари ҳам тан олишган: масалан, Ибн Арабшоҳ Темурнинг шаҳар ташқарисидаги саройлари ҳақида ҳикоя қилиб, улар «Янги услубда»²¹ қурилганлигини тўғридан-тўғри кўрсатади. Архитектуранинг янги тасвирий воситаларини қидириш қисман ўша даврда бутун Шарқда тенги бўлмаган ҳашамат, дабдабага эришган ранг-баранг безакда ўз аксини топди.

XIV—XV асрларда Ўрта Осиё рассомчилиги, наққошлиги соҳасида ўрта аср традицион адабий сюжети билан бирга замонавий тематикадан фойдаланиш, жанрлар, композиция хилма-хиллигига, расм ишлаш маҳоратини мукаммаллаштириш ва шу кабиларга интилиш тенденцияси кўзга ташланади.

XV асрда безакли-бадний буюмлар ҳунармандчилиги юқори даражага етди, унинг ривожланиши архитектура, рассомлик, наққошлик, маиший буюмлар ишлаш билан

²¹ Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века. М., «Искусство», 1965, стр. 309.

Ўзаро боғланиш йўли орқали борди. Ҳар хил санъатларнинг бундай бир-бирига ўтиши ёғоч ва тошга ўйиб нақш солишда ҳам, гилам тўқишда ҳам, қўлёзма китобларни безашда ҳам, металл ва сопол идишларнинг энг яхши намуналарида ҳам яққол намоён бўлади.

Темур нима сабабдан ўз ҳокимиятининг маркази қилиб Самарқандни танлади? Бировлар бунга сабаб қилиб Темурнинг биринчи бўлиб эгаллаган йирик шаҳри Самарқанд эканлигини кўрсатсалар, бошқа бировлар бунинг сабаби Самарқанд об-ҳавосининг яхшилигида, табиатининг гўзаллигида деб тушунтирадилар. Яна бировлар эса Самарқанднинг қадимдан бери бутун дунёга маълум бўлганлиги, машҳур Афросиёб худди шу шаҳардан туриб Турон мамлакатини бошқарганлигини Темурни ушбу шаҳарни пойтахт қилиб танлашига сабаб бўлган бўлса керак, деб тахмин қиладилар.

Шубҳа йўқки, бу тахминларнинг ҳаммасида ҳам маълум даражада конкрет ҳақиқат мавжуддир. Лекин, тугал, объектив ҳақиқат шундаки, Самарқанд қулай географик ҳолатга эга бўлиб, Мовароуннаҳрнинг ўртасига жойлашгандир. У серсув бўлиб, уни уч томондан тоғ ўраб олган; унда ҳавонинг уч оқими — тоғ, дарё ва кенг яйлов, дарахтзор водий, адир қўшилиб хушманзарали, хуштабиатли, оромбахш иқлим барқарордир. Самарқанд жуда катта қурилиш материаллари ҳамда қимматбаҳо рангли ва нодир метал конларига эга бўлиб, ўша даврда ҳам улардан давлат ишида маълум даражада фойдаланиш мумкин эди. Ана шу факторлар Темур томонидан Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб олинишига асос бўлгандир.

Академик В. В. Бартольднинг ҳаққоний равишда қайд этишича, Самарқанд, Темурнинг фикрига кўра, дунёнинг энг донгдор шаҳри бўлиши керак эди. Самарқанд атрофида қатор қишлоқлар бунёд этилиб, мусулмон мамлакатлари бош шаҳарлари: Боғдод, Дамашқ, Миср (Қоҳира), Шероз ва Султония номлари берилганлиги юқоридаги фикрнинг ифодаси эди.

Тарихчилар, қадимги грек йилномачилари Мароқанд ҳақида кўп маълумот ёзиб қолдирганлар. Урта аср шоир ва ёзувчилари бу шаҳарга бағишлаб ғазаллар ёзганлар; уни «Сайқали рўйн замин» — бутун ер юзининг сайқали, ҳусни деб таърифлаганлар. Шарқ ва Ғарбнинг кўпчилик мамлакатларидан келган сайёҳлар, олимлар Самарқандга маҳлиё бўлганлар; унда бадий ва илмий фикрларнинг салтанати, халқ яратган ажойиб дурдоналар мавжудлиги, моҳир қурувчи-усталар, ҳунарманд со-

ҳибкорлар ўз халқининг ақл-заковати, истеъдод-қобилиятини гўзал нақшларда мангу ифодалаганлиги ҳар бир томошабинни ўзига мафтун этади.

Самарқанд шаҳри, — деб ёзди Клавихо, — текис ерда жойлашган бўлиб, атрофи қум тепаликлар ва жарликлар билан қопланган. У Севилья шаҳридан бир оз каттароқ. Шаҳар теварагида кўплаб уй-жойлар қурилган. Унинг атрофини бутунлай боғ ва узумзорлар қоплаб олган. Боғлар баъзи жойларда бир ярим-икки лига масофага чўзилиб кетади. Боғларнинг ора-ораларида кўчалар, оромбахш майдонлар бор. Буларда кўп одам яшайди. Бу ерларда шаҳар ичкарисидоғидан ҳам кўпроқ дон, гўшт ва бошқа турли-туман нарсалар сотилади. Шаҳар чеккасидаги бу боғлар ичида данғиллама ва чиройли, муҳташам уйлар ҳам қурилган. Бу ерда подшонинг ҳам ўз қасрлари ва бош хазиналари жойлашгандир. Бундан ташқари, кўпчилик шаҳарлик машҳур кишиларнинг бу боғлар ичида уй-жойлари бордир. Боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, даладан шаҳарга қайтаётиб, орқага қаралса, улар баланд-баланд дарахтлардан иборат ўрмонга ўхшаб кўрнанади. Ана шу ўрмоннинг ўртасида шаҳар жойлашган. Шаҳар ва боғлар бўйлаб ариқлар ўтиб, улардан доимо сув оқади. Боғлар оралигидаги бўш майдонларда кўплаб қовун ва пахта экилади. Бу мамлакатда қовун жуда яхши ва серҳосилдир. Янги йил байрами ўтадиган даврларда уларда қовун ва узум ғоят кўп бўлади. Ҳар куни туяларда сонсаноксиз қовун олиб келинади. Бунчалик кўп қовуннинг сотилиб кетишига ва истеъмол қилинишига ҳайрон қоласан киши. Қишлоқларда эса қовун шунчалик кўпки, уни қуришиб келгуси қовун пишиғигача қовунқоқи ҳолида сақлайдилар. Қовун қўйидаги усул билан қурилади: уни узунасига тилик-тилик кесилади, сўнг пўчоғини кесиб ташлаб, мағизнинг ўзини офтобга қўйилади. Қуригач, барча тиликларни бир ерга жамлаб халтага солинади ва келгуси йилгача шу ҳолда сақлайдилар.

... Бу ер ҳамма нарсага бой: галла ҳам, вино ҳам, мева-чева ҳам, паррандалар ҳам, ҳар хил гўшт ҳам мўлкўл. Бу ернинг қўйлари йирик-йирик, думбалари катта бўлади. Думбаси 20 фунт келадиган қўйлар бор. Бунчалик оғир юкни одам қўлда зўрға кўтара олади. Қўйлар кўп ва арзондир. Бошқа моллар ҳам арзон... Галла жуда ҳам арзон, шоли эса ошиб-тошиб ётади. Бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шундай тўкин-сочинки, ҳайрон қолмаслик мумкин эмас. Ана шундай бойликлари бор

учун ҳам у Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент бўлиб, бадавлат қишлоқ деган маънони беради, негаки уларда семиз дегани катта — бой, тўла деган маънони билдиради, кент эса — қишлоқдир. Ана шундан Самарқанд деган ном келиб чиққан. Унинг бойлиги фақат озиқ-овқат билан ўлчанмайди, балки бу ерда ипак, атлас, камоканье, сендал, шойи каби матолар кўплаб тўқиб чиқилади; мўйна ва ипакдан астарликлар, турли хил сургичлар, зраворлар, шунингдек, тилларанг ва зангори бўёқлар ва ҳоказо бошқа моллар кўпдир. Шу сабабдан ҳам подшоҳ бу шаҳарни кўкларга кўтариб кўрсатмоқчи бўлди. У қайси мамлакатни босиб олмасин, у ердан одамлар олиб келиб Самарқанд ва унинг атрофига жойлаштирди. У айниқса турли соҳалар бўйича усталарни тўплашга ҳаракат қилди. Дамашқдан турли ҳунармандларни олиб келди. Булар орасида ипак, мато тўқувчилар, найза ва ҳар хил қуроллар ясовчилар, дунёда энг донғи кетган шиша ишловчилар бор эди.

Туркиядан эса мерган отувчилар ва учраган бошқа ҳунармандларни: ғишт терувчилар, зардўз усталарни олиб келди. (Темур) шунча кўп одам олиб келдики, бу шаҳарда қайси ҳунардаги кишидан қанча изласангиз топилади. Булардан ташқари у турли мутахассислар — инженерлар, шунингдек, арқон тўқувчи кишиларни ҳам олиб келди. Улар ҳозиргача бу ерда бўлмаган канон ва зигирпоя экидилар. (Темур) ҳар ёқдан бу шаҳарга шунчалик кўп эркак ва хотинларни тўпледики, айтишлари-ча, шаҳар аҳолиси бир юз эллик минг кишидан ошиб кетди. Аҳоли ўртасида ҳар хил қабилалар: турклар, араблар, маврлар, арман христианлари, грек католиклар, наскоринлар, якобитлар, ўтга қараб чўқинувчи христианлар бор эди. Халқ шу қадар кўп эдики, на шаҳарга, на майдонларга, на кўча-кўйга, на қишлоқларга сифар эдилар. Шаҳар ташқарисидаги дарахтзорлар остидаги одамларнинг сони ҳам ҳисобсиз эди.

Шаҳар ҳар хил мол-матоларга бойдир. Бу моллар бошқа мамлакатлардан олиб келинади. Чунончи, Руси, Татаристондан чарм ва суруп, Хитойдан ипак матолар келтирилади. Дунёда энг яхши ҳисобланган атласлар Самарқандда ишлаб чиқарилади. Булардан ташқари бу ерга мушк (мускус) ҳам олиб келинади. Мушк эса ер юзида фақат Хитойда бўлади. Бу мамлакатда бор лаъл ва гавҳарларнинг кўп қисми ҳам четдан — Хитойдан келтирилади. Бу шаҳарга Хитойдан келадиган моллар бошқа мамлакатлардан келтириладиган молларга қараганда ҳам сифатли, ҳам арзондир. Хитойда яшовчи ки-

шилар ўзларини дунёдаги энг моҳир одамлар деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларини икки кўзли, маврларни кўр, фарангиларни эса бир кўзли одамлар дейдилар ва шу сабабдан улар (хитойлар) ишлаган барча нарсалар дунёдаги ҳамма халқларникидан устун туради, деган хулосага келадилар.

Ҳиндистондан бу шаҳарга майда моллар, чунончи, мускат ёнғоғи, қалампирмунчоқ, мустак гули, долчин, инбир, долчин гули ва маннанинг энг яхши навлари ҳамда Александрияга жўнатилмайдиган бошқа бир қанча нарсалар келтирилади.

Шаҳарда майдонлар кўп бўлиб, уларда пиширилган, ҳар хил қилиб тайёрланган гўшт, ғоят озодалиқ билан пиширилган товуқ ва қушлар, шунингдек, нон ва мевалар сотилади. Буларнинг ҳаммаси жуда тоза. Майдонлар кеча-ю кундуз одамлар билан тўла бўлиб, уларда доимо қизгин савдо бўлиб туради. Шунингдек, махсус гўшт, товуқ, каклик, тустовуқ сотувчи дўконлар ҳам бор; булардан ҳам кеча-ю кундуз истаган нарсангизни топа olasиз.

Шаҳарнинг чеккасида бир қалъа бор. Юзаки қараганда, қалъа текис ерда қурилгандай. Лекин унинг атрофи чуқур жарликдан иборат. Шу сабабли қалъанинг ёнига бориб бўлмайди. Бу қалъада подшоҳ ўз бойликларини сақлар эди. Унга подшоҳнинг одамларидан ташқари ҳеч ким кирмасди. Шу қалъада подшоҳ асир тушган усталардан мингга яқин кишини ҳам сақлар эди. Булар йил — ўн икки ой ишлаб совут, қалқон, ёй ва найзалар тайёрлар эдилар. Подшоҳ бу шаҳардан чиқиб, Туркия томон ҳарбий сафарга жўнаганда ва Дамашқни вайрон қилганда аскарларига ўзлари билан бирга хотинларини ҳам олишни буюрди... Бундай буйруқ беришнинг сабаби шундаки, подшоҳ етти йил сафарда бўлиб, ўз душманлари билан курашишни мўлжаллаган эди. У етти йил ўтмагунча шаҳарга қайтмасликка ваъда берган ва қасам ичган эди²².

Клавиходан сўнг тахминан 95—100 йиллар ўтгач, Амир Темурнинг эвараси бўлмиш Абдусанд Мирзанинг невараси Заҳририддин Муҳаммад Бобир (1483—1530) Самарқандни икки марта эгаллаб, бу ерда кўрганларини ғоят чиройли тасвирлайди: «Самарқанд шаҳри ажаб оғоста шаҳредур, бу шаҳарда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлмай. Ҳар ҳирфагарнинг бир

²² Р. Г. Клавихо, ўша асар.

бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўб нонволиклари ва ошпазликлари бордур»²³.

Шундан сўнг Бобир қайд этадики, «Оламда яхши қоғаз Самарқандин чиқар. Жувози қоғазлар суйи тамом Конирилдин келадур. Конирил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар. Самарқанднинг на бир матои қирмизи баҳмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар»²⁴.

Бобир Самарқанд ва ундан Бухорога қадар тобе бўлган туманларни усталик билан тасвирлаб ёзади: «...бир йиғоч йўл йўқтурким, кенг ва маъмура бўлмағай. Андоқ машҳурдурким, Темурбек дегандурким: менинг бир боғим борким, тули ўттуз йиғочтур. Бу тумонотни дегандур»²⁵.

Йиғоч, бизнинг фикримизча, 8 км га тенгдир. Негаки Самарқанддан Бухорогача бўлган масофа 240 км ни ташкил этади.

Мирза Бобирнинг маълумотига кўра, Самарқанднинг Феруза, Аҳонин, Шайхзода, Газуристон, Сўзангарон ва Чорраҳа деб аталувчи дарвозалари бўлган*. Самарқанд қалъаси ички айланма деворининг узунлиги эса ўн минг олти юз қадам келади. Бобир Самарқандни Искандар томонидан бино қилдирилган деб, унинг Семизкенд аталгани ҳақида гапиради. Бобир шундай ёзади: «Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурўн Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур»²⁶.

Бизнинг тарихчиларимиз 1940 йиллардаёқ Темур феодали давлатининг социал-иқтисодий муносабатларини ҳар томонлама ўрганиш зарурлигини ёзган эдилар. Лекин шу маҳалгача бу проблема бўйича бирорта ҳам йирик илмий асар яратилган эмас. Тарихий архив ҳужжатларини ўрганиш эса Темур давлатидаги синфий муносабатлар, жиддий антагонистик қарама-қаршиликлар, сиёсий оқимлар ва улар ўртасидаги курашнинг моҳиятини кенг аниқлашимизга ёрдам берган бўлурди.

²³ З. М. Бобир. Бобирнома. Тошкент, УэССР ФА нашриёти, 1960, 106-бет.

²⁴ Шу асар, 106—107-бетлар.

²⁵ Шу асар, 108-бет.

* 1841—42 йилларда Чор ҳукуматининг Бухорога келган элчилари орасида бўлган Н. В. Хаников Самарқанднинг атрофи қўрғон билан ўралганини ва 6 та дарвозаси бўлганлигини ёзган.

²⁶ Уша асар, 104-бет.

Темур томонидан тузилган давлатни бошқариш системаси ҳам қизиқарлидир. Бош бошқарма — канцелярия — Девони бузургдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма — канцелярия ҳам бор эди. Девон барча давлат ишлари: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар — бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, ирригация тармоқларига қараб туриш ва аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳаракатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланарди. Ҳар бир Девонда кирим ва чиқимларни ҳисобга олиш давфтарлари бўлган. Давфтарга кирим ва чиқимни қайд этиш турк-ўзбек ва форс-тожик тилларида олиб борилган.

Шарафуддин Али Яздий Темур саройидаги сўз усталари, шарҳловчилар, котиблар ҳам турк тилида, ҳам форс тилида ёзганликларини маълум қилади²⁷.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган бир ҳужжат — Амир Темур бин Муҳаммад Тарағай Баҳодир муҳри босилган фармон (1391 йил) диққатни ўзига жалб этади. Бу фармон турк (эски ўзбек) тилида ёзилган бўлиб, унда Абу Муслим авлодларига берилган имтиёзлар ҳақида гапирилади. Бу ва бунга ўхшаш бошқа ҳужжатлар тарихчи, иқтисодчи ва тилшунос олимларимизни қизиқтирмоғи лозим.

Академик Бартольднинг ёзишича, Темур ўз она тили — турк-ўзбек тилидан ташқари форс-тожикчани ҳам мукамал билган.

Темур ёзишмаларига мувофиқ, вақти-вақти билан сўроқпурсиш, ревизия ва текшириш — тафтиш, тергов қилиш — таҳқиқ ўтказилиб турилган. Ўз амалини сунистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилик, манший бузуқлик кабилар оғир гуноҳ ҳисобланиб, қаттиқ жазоланган. Яздийнинг ёзишича, сунистеъмол қилиш Темур авлодларига тааллуқли бўлган вақтда ҳам, улар тегишли жазоларини олганлар. Чунончи, унинг ўғли Мироншоҳ, невараси Амирзода Пирмуҳаммадлар халқ олдида қаттиқ жазога тортилганликлари тўғрисида манбаларда ёзилган. Темур давлатнинг обрўси, шарафи, манфаати соҳасида ғоят қаттиққўл эди: у бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва невараларини ҳам, қариндош-уруғларини ҳам, ҳарбий бошлиқларни ҳам аямас эди. У ўз давлат ишларида ғоят мустаҳкам, тебранмас, барқарор турарди.

²⁷ «Зафарнома», 91-бет.

ган айбига қараб жазо берилар ёки жарима солинарди. Шаҳарлар ва шаҳар атрофи аҳолисидан на жон солиғи ва на бож олинарди. Бирорта ҳам аскарнинг доимий туриш учун шахсий кишилар уйини эгаллашга ёки фуқароларнинг молини ва бойлигини ўзлаштириб олишга ҳаққи йўқ эди.

Барча ишларда, бу ишлар қайси ўлка халқига таалдуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларига буйруқ берилган. Қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилдимки, камбағаллар улардан нафақа олиб турардилар»²⁹.

Амир Темурнинг фикрича, бу тадбирлар мамлакат ва давлатни адолатли бошқаришни таъминлаши керак. Албатта, Темур адолатни ўз синфий, сиёсий, манфаатлари негизда тушунган; мулкдор синфлар ҳокимлигини сақлаш йўлида талқин қилган ҳамда феодал эксплуатация формаларини яна ҳам ихчамлаб, меҳнаткаш қосиб ва деҳқонларни эксплуатация қишанида тутиб туриш чораларини амалга оширган.

Бундан ташқари, Темурнинг солиқлар ҳақидаги қондаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Темур ёзади:

«Солиқ йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг беқувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, бу эса, ўз навбатида, ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади.

Бирор ўлкани олганимда ёки у урушсиз менга таслим бўлганида (бу ҳол эса уни урушнинг ҳалокатли оқибатларидан қутқарар эди) шу ўлканинг даромади ва маҳсулдорлиги ҳақида маълумот тўплашга буюрар эдим.

Бу ўлканинг халқи олдинги тартибларнинг сақлаб қолинишини истаса, уларнинг хоҳишига рози бўлардим, акс ҳолда, солиқлар мен жорий қилган тартиб асосида йиғиларди. Солиқлар ернинг маҳсулдорлигига ва жорий қимматига биноан белгиланар эди. Масалан, бирор шахс доимий ариқ ёки каналдан сув ичадиган ерга эга бўлса ва ариқ ёки канал суви тўхтовсиз оқиб турса, бундай ердан олинадиган даромад уч қисмга бўлиниб, учдан икки қисми ер эгасига қолдирилади, бир қисми эса ҳукумат солиқчисига топширилади.

Агар ер эгаси солиқни пул ҳисоби билан тўлашни истаса, унда ҳосилнинг учдан бир қисми жорий қиммат

бўйича пул ҳисобига айлантирилиб олинарди. Аскарлар эса ейдиган озиқ-овқатлар қимматига биноан мояна оладилар. Агар фуқарога бу тартиб ҳам хуш келмаса, у ҳолда ҳосилнинг ҳар уч ботмонидан алоҳида-алоҳида ҳақ олинарди. Биринчи ботмондан 3 чорак, иккинчисидан 2 чорак, учинчисидан эса 1 чорак ҳосил олинарди. Ярми буғдой, ярми арпа экилган ерлардан чиққан умумий ҳосилнинг ярми солиқ ҳисобига ўтади. Агар фуқаро натура шаклида тўлашни истамаса, унда буғдойнинг бир чораги беш кумуш мисқолга, арпанинг бир чораги эса 2,5 мисқолга баҳоланарди. Лекин халқдан олинадиган солиқларни ҳар хил баҳоналар билан қўпайтиришга сира йўл қўйилмайди. Куз, қиш, баҳор ва ёз давомида ҳосил берувчи ҳамда фақат ёмғир суви билан суғориладиган ерлар ҳосили хусусига келсак, у тенг иккига бўлиниб, бир бўлагининг учдан ёки тўртдан бир қисми олинарди.

Ўтдан, мевадан ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан, шунингдек, хўжалиқ анжомларидан, ҳовузлардан, яйловлардан ва шу каби бошқа қимматбаҳо ер бойликларидан олинадиган солиқлар ўзгаришсиз қоларди. Агар фуқаро бунга рози бўлмаса, унда бошқача тартиб танланарди.

Ғалла йиғиб олинмасдан бурун солиқ тўплаш қатъий ман этилганди. Солиқ муайян уч муддатда тўланарди. Агар фуқаро солиқни дилдан рози бўлиб гап-сўзсиз тўлайверса, унда солиқ йиғувчига ҳам ҳожат қолмасди; солиқчига зарурат бўлган тақдирда эса, у (солиқчи) давлат солиқларини йиғиш учун сўз ва таъсир кучи билан ҳаракат қилмоғи, лекин ҳеч вақт бу ишда таёқ, қамчи ёки занжир ишлатмаслиги зарур эди. Умуман унинг қарздор шахсга нисбатан қаттиқ чоралар кўришга ҳаққи йўқ эди.

Бирор шахс ўзлаштирилмаган ерни ишлаб, уни суғориб, экин экса ёки ташландиқ ерни экин экиш учун яроқли қилса, биринчи йил солиқдан озод қилинарди. Иккинчи йил ўз истаганича тўлар, учинчи йил эса солиқлар ҳақидаги умумий қондага бўйсунарди. Агар бадавлат ер эгаси ёки бирор зўрроқ киши камбағални қисиб кўйса ёки унга зарар етказса, у ҳолда ўша бой барча қилмиши учун жавобгар бўлиб, жабр кўрган одамга ўз давлатидан берар эди.

Ташландиқ ва ҳеч кимга кераксиз ерлар хусусига келсак, мен бундай ерларни ишлашга жиддий ғамхўрлик қилиш лозимлиги ҳақида кўрсатма бердим. Агар ер, эгасининг камбағаллиги сабабли ишланмасдан қолса,

²⁹ Қаранг: «Уложение Тимура», Изд-е Н. Остроумова. Казань. Типолиитография. Императорского университета, 1894, стр. 71.

Темур тарихчилар тасвирича, ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан эди. Унинг «Тузуки Темур» — «Темур тузуқлари» асарини ўқиган киши бу фикрнинг ҳақиқийлигига қаноат ҳосил қилади. Ушбу асарда Темурнинг доктринаси изоҳланган. Унинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қараши, бирлашган қудратли феодал давлатининг сиёсий ва ахлоқий принциплари ифодалангандир²⁸.

Бу асарнинг барча қисмларида Темур олий ҳимматли, адолатли шахс сифатида кўкка кўтарилади. Ҳақиқатда эса Темур даврида ҳунармандлар, косиблар, меҳнаткаш омма оғир аҳволда яшаган. Клавихо ўз «Кундалик»ларида кўп одамлар кўчаларда, ғорларда, дарахт остларида яшар эди, деб кўрсатади. Бизгача етиб келган XV асрга оид кўпчилик миниатюралар (расмлар) да ҳам деҳқонлар ва косибларнинг қашшоқ аҳволи ифодалангандир. Демак, бадавлат, таниқли кишилар дабдабали ҳаёт кечирсалар, оддий меҳнаткашлар қашшоқликда, муҳтожликда, ҳоким синфнинг чексиз эксплуатацияси остида кун ўтказганлар. Турмушдаги бу зиддият ўша даврлардаёқ Мовароуннаҳрда ўткир синфий курашларни келтириб чиқарди. Бу ҳолларни мукамал, тўла, татрихий ва конкрет фактлар асосида кўрсатиш учун олимларимиз Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, давлат архивлари фондларидаги қўлёзма ҳамда ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганишлари зарур.

Мана шу юқоридагиларни диққат марказида сақлаб «Темур тузуқлари» да баён этилган масалаларнинг айримларини кўрсатиб ўтамиз. Унда, масалан, шундай

²⁸ Тарихий адабиётда «Темур тузуқлари» ҳақида барча эътироф этувчи ягона бир фикр йўқ. Айрим тарихчиларнинг фикрича, асарни ҳақиқатан ҳам Темурнинг ўзи ёзган, бошқалар «Темур тузуқлари» ни унинг котиблари тузган деб ҳисоблашади; яна бошқалари эса турк тилида умуман бунақа асар бўлган эмас, у кейинчалик XVII асрда форс-тожик тилида бошқа солномачилар томонидан ёзилган деб тахмин қилишади.

Бизнингча, ушбу масалани объектив ҳал этишда «Зафарнома»нинг 90—91 саҳифаларида: «Манзумаи турк» асари турк тилида Темур бош девонида ёзилган ва Темур томонидан таҳрир этилган, деб ёзган Шарафуддин Али Яздий ва таржимон Абу Толиб Ҳусайннинг «Темур тузуқлари» ни 1610 йили форс-тожик тилига таржима қилганлиги ҳақидаги маълумоти кўмак беради. Абу Толиб Ҳусайн маълумоти ҳақида Г. Вамбери ўзининг «Бухоро тарихи» китобида ва «Темур қонунлари» нинг ишоари Н. Остроумовлар хабар беради. Демак, турк тилида шундай асар ёзилган деб айтишга асос бор. Албатта, вақт-соати келиб, жаҳон кутубхоналарининг бирида «Темур тузуқлари» нинг асл нусхаси чиқиб қолсагина, ушбу масалани узил-кесил ҳал бўлди дейиш мумкин бўлур.

дейилган: «Менга бўйсунган янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайғамбар авлодларига, қонун тарғиботчиларига, олимлар ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлдим; уларга нафақа (пенсия) белгиладим. Бу мамлакатларнинг бадавлат кишилари менинг оғанимдек, етим-есир ва камбағаллари эса болаларимдек бўлиб қолди. Мағлуб бўлган мамлакат қўшинлари менинг қўшинларимга қўшилди. Мен бу мамлакатларда халқ ҳурматини қозонишга ҳаракат қилдим. Шунга қарамадан фуқарони кўрқинч ва умид орасида сақладим. Яхшиларга, улар қайси миллатдан бўлишларидан қатъий назар, мен ҳам яхшилик қилдим: ғаразли кишилар ва сотқинлар эса менинг давлатимдан қувилди. Кўрқоқ ва пасткаш одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда уларни маълум чизикдан чиқишларига йўл бермадим... Менга тобе ҳамма мамлакатларда адолат эшиги очиқ эди. Шу билан бирга ўғирлик ва талончиликнинг барча йўлларини бекитишнинг чораларини кўрдим.

Мағлуб бўлган давлат ҳокимларини ўз вазифасида қолдирардим. Унга мақтовлар ёғдирардим ва шундан сўнг уларнинг тўғрилигига ҳамда содиқлигига тўла умид боғлардим. Бироқ баъзи қайсарлари шоша-пиша ўзини ўзи тўрга туширарди. Бундай ҳолларда мен унинг ўрнига адолатли ва уddaбурон одамни тайинлардим. Мен катта йўллардаги йўлтўсар ва ўғриларни «Ясса» (Чингизхон қонуни) асосида жазолаш ва қўзғолончи ҳамда сотқинларни менинг ҳокимиятимдан чиқариб ҳайдаш ҳақида буйруқ бердим.

Мен ўлкалардаги йўлларнинг хавfli бўлишини ис-тамасдим. Шаҳарларда ва шаҳар маҳаллаларида махсус одамлар қўйдирдим; улар халқнинг ва аскарларнинг хавфсизлиги устида иш олиб борарди. У жойда содир бўлган ўғирликлар учун барча жавобгарлик унинг бўйнига тушарди.

Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва қўниб ўтишга манзилгоҳ қурдирдим; қулайлик яратиш учун катта йўлларга соқчилар қўйилди. Соқчилар йўловчиларнинг ҳар бир нарсаси учун жавобгар эдилар. Шу сабабдан саёҳатчилар ва савдогарлар улардан ўз молларига соқчилик қилишни талаб эта олардилар.

Шубҳали ва нияти бузуқ кишиларнинг айблашлари ҳамда тўхматлари билан фуқароларга жазо бериш қозиларга қатъиян ман этилган эди. Аммо бирор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига, қил-

бундай ер эгаларига зарур деҳқончилик қуроллари бери-лар эди. Лой, қум босган ариқларни қазиб, дарёларга кўприклар солиш, эскиларини эса тузатиш, бир кунлик йўл масофасида қарвон саройлар қуриш ҳақида буйруқ қилдим. Қарвон саройларда қоровуллар ва йўл соқчилари бўлар эди. Улар йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга ғамхўрлик қилар, содир бўлган ўғирликлар учун жавобгар эдилар. Ҳар бир шаҳарда мачит, мактаб, мадраса, камбағал ва мискинлар учун ғарибхоналар, доимий врачлар (табиблар) билан таъминланган шифохоналар қуришга фармон бердим. Мен экилган майдонлар ва фуқароларнинг хавфсизлиги учун махсус соқчилик жорий этдим.

Ҳар бир ўлкада учтадан министр (вазир) тайинладим. Биринчиси халқ учун эди. У фуқаро тўлайдиган солиқлар бўйича аниқ ва тўғри ҳисоб олиб борарди; менга йиғилган солиқларнинг қайси йўл ва қоидага асосан тўпланганлигини етказиб туради. Иккинчи министр аскарлар учун эди. У аскарлар олган ва олиши керак бўлган мойнанинг ҳисоб-китобини қиларди. Учинчи министр сафарга кетган кишиларнинг мол-мулкига, эгасиз ётган ерларга назорат қиларди. Қозининг ва диний назорат вакилининг розилиги билан ақлдан озганларнинг, номаълум ворислар, жиноятчилар, қонун бўйича ҳуқуқдан маҳрум бўлганларнинг мол-мулклари бу министр ихтиёрига ўтказиларди. Вафот этганларнинг мол-мулки уларнинг қонуний ворисхўрларига ўтарди; агар ворисхўрлар бўлмаса, бу мол-мулк мачит, мадраса, мазорларга берилар ёки Маккага юборилар эди»³⁰.

Юқоридаги қоидаларда Темурнинг солиқ тўғрисидаги сиёсатининг синфий моҳияти ифодалангандир. Бу қоидалар чуқур ўрганилса, унинг феодал синфий характери билан белгиланган қийин эмас. Унинг синфий характери эса меҳнаткаш оммани эксплуатация қилиш ва Темур давлати қудратининг бош манбаи ҳисобланган феодал мулкчиликни сақлаш ҳамда мустақкамлашга қаратилгандир.

Маълумки, Темурнинг асосий ва содиқ таянчи унинг қўшинлари эди. Темур қўшинлари ўз даврида бутун Осиёда энг қудратли армия ҳисобланарди.

Ҳарбий тарих Темурни ўрта аср Осиёсида энг йирик лашкарбошилардан деб ҳисоблайди. Унинг ҳарбий маҳорати икки йўналишда, аскарий қисмларни қайта таш-

кил этишда, лашкарбоши — қўмондонликда намоён бўлди³¹.

Темурнинг армияси ўнлик, юзлик, минглик бўлинмаларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар қайсисига мувофиқ ҳарбий бошлиқлар раҳбарлик қиларди. Одатда ҳарбий бошлиқлар раҳбарлик қилаётган бўлинмалар сонига қараб бир-бирларига — кичиги катта қисмига бўйсунар эдилар. Армия — бўлинма — бирлашмалари қўшин-армия деб аталарди; қўшинот — армияларни ўз ичига оларди. Бу қисмларнинг ҳар бири шароитга қараб лашкар қалбини — ўнг қўл — бронгар, сўнг қўл — жувонгар, манглай — авангард вазифасини ўтарди. Қўшин турлари ичида ҳаммадан кўра отлик аскарлар, пиёдалар, шунингдек, Темур боргоҳида — ставкасида илғор — разведка бўлинмаси юқори баҳоланар эди.

Амир Темур боргоҳида — ставкасида Амир Хўжа Сайфиддин, Амир Сулаймон Хаш, Амир Оқбуға, Амир Соррибуға, Амир Бирандиқ, Худой Ҳусайн Баҳодир, Шайх Али Баҳодир, Темур Тош, Баратхўжа, Амир Довуд Барлос, Умар Аббос, Маҳмудшоҳ Бухорий, Амир Муайид Арлад, Туман Бердибек каби ҳарбий бошлиқлар хизмат қилардилар.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Темур давлатини тузиш учун олиб борилган катта жангларда Темурнинг ўғиллари — Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир, Умар Шайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳ; неваралари — Амирзода Муҳаммад Султон, Амирзода Пирмуҳаммадлар ҳам амир қўшинларига бошчилик қилардилар. Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султон Амир Темурнинг энг сеvimли невараси бўлиб, отаси Жаҳонгир вафотидан кейин Темурнинг меросхўри қилиб белгиланган эди.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» да Темур қўшинларининг бир намоиши — парадни ажойиб тасвирлаган. Темур шоҳона безатилган баландликда туриб, олти юздан иборат қўшин бирлашмаларининг парадини қабул қиларди. Бу қўшинларнинг ҳаммаси бошдан-оёғигача темир уст-бош кийиб, байроқ кўтариб, музыка садолари остида бир хилда шаҳдам қадам ташлаб борардилар. Темур турган жойга яқинлашгач, ҳарбий қисмлар бошлиқлари ўз бўлинмаларидан ажралиб, Темурга яқин келиб унга таъзим қилар; мақтов сўзлари — мадхи-сано айтиб, ўзини ва қўл остидаги аскарларни амирнинг «хайрли» ишига содиқ эканликларини билдирарди. Шу-

³¹ «История Узбекской ССР», Т. 1, Ташкент, Изд-во «Фан» УзССР, 1967, стр. 453.

³⁰ Уша асар, 76—80-бетлар.

ниси ҳам борки, ҳар бир ҳарбий қисмнинг кийими турлича, масалан, қизил ёки оқ, кўк ёки жигар ранг ва ҳоказо рангларда эди. Айрим қисмларнинг кийими қайси рангда бўлса, барча қуроли — тиркаш, камар, найза, ўқ узувчи қуроли — сар ва ҳоказоларнинг қинлари ҳам ўша рангда эди»³².

1402 йилда Анқара шаҳри яқинида Боязиднинг икки юз минглик қўшинининг ўраб олиниши, тор-мор қилиниши ва асир туширилиши Темур қўшинларининг жуда катта ва зўр ғалабаларидан бири, Темур ҳарбий доктринасининг беқиёс тантанаси бўлди. Темур ўз ҳарбий доктринасини олдин бўлиб ўтган ҳамда бевосита ўзи олиб борган кўп урушлар тажрибалари ва сабоқлари асосида тузган эди.

Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабаси унинг Ғарбий Европа мамлакатларида машҳур бўлишига сабаб бўлди. Самарқанд билан Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик ва савдо алоқаларининг кучайиши ҳам шу даврга тўғри келади.

VII

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг профессори И. И. Умняковнинг қизиқарли мақоласида³³ Урта Осиё тарихининг ушбу даврига-оид бой тарихий материаллар келтирилган. Бу ўринда Темурнинг Англия ва Франция қиролларига мурожаати, шунингдек, Англия ва Франция қиролларининг дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва савдо алоқаларини ривожлантириш муносабати билан Темурга ёзган хатлари диққатимизни ўзига жалб этади.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Испания — Кастилиянинг Амир Темур саройидаги элчиси Испания — Кастилия қироли Генрих III нинг вакили Рюи Гонзалес Клавихо Урта Осиё, Самарқанд ва Европа мамлакатлари орасидаги савдо ва дипломатик муносабатлар тўғрисида қизиқарли фактик маълумот беради.

Европа мамлакатларидан Ҳиндистон ва Хитойга олиб борадиган ва у ерлардан Урта Осиё орқали ўтадиган тарихда ипак йўли деб аталмиш халқаро йўлнинг

³² «Зафарнома», 405-бет.

³³ И. И. Умняков. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV века (доклад на XXV международном конгрессе востоковедов, отд. оттиск). М., 1960, стр. 6-7.

барча асосий трассаларини эгаллаб олган Темур бу йўлда карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини кўрди ва Машрик ҳамда Мағриб, яъни Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-сотик муносабатларининг ҳар томонлама ривожланишига ғоятда катта эътибор берди.

Бу масалада Амир Темур ўзини дипломат сифатида намоён қилди: Темур Византия, Венеция, Генуя, Испания — Кастилия, Франция, Англия билан, бошқача айтганда, ўша вақтда кўпроқ маълум ва машҳур бўлган Европа давлатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини авж олди. Француз ва инглиз қиролларининг юқорида эслатиб ўтилган мактублари бунга далилдир. Тил, дин, миллатларнинг ҳар хиллиги Темурнинг Европа мамлакатлари билан дипломатик, савдо-сотик муносабатлари ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ишидаги ғоят муҳим амалларни биринчи бўлиб бошлашига халақит бермади. Темурнинг «Яшиндек тез ва шиддаткор» Боязид устидан ғалабасидан сўнг бундай муносабатлар янада кучайди. Темур Европа мамлакатларида энг донг таратган, подшоҳ сифатида танилди. Буни ўша мамлакатларда ёзилган ва чоп этилган тарихий китобларни ўқиб билиш мумкин.

Сиёсатчи ҳамда дипломат бўлган Темур исломга таяниб, мусулмон динининг нуфуз-эътиборидан фойдаланди ва ўз давлатини мустаҳкамлаш мақсадида бошқа динлардан ҳам фойдаланишга интилди. Клавихо «Самарқандда Темур саройига саёҳат кундалигида (1403—1406 йиллар)» бу ҳақда ҳам жуда кўп фактлар беради. Бу кундаликдан олинган бир мисолни келтирамиз. Клавихо ўзи билан бирга бўлган ҳамкасбларининг саёҳатларини характерлаб қуйидагича ёзади:

«...уларни кутиб олиш учун йўлга пешвоз чиққан тўра ҳам биргаликда жўнади: у (Темур) сайёҳларга зўр ҳурмат-эҳтиром кўрсатди, уларга ниманки керак бўлса, муҳайё қилиш ҳақида фармойиш берди. Бундан ташқари, тезроқ йўл босишлари учун уларга ҳар куни подшоҳнинг янги отлари берилиб турди; чунки подшоҳнинг фармони билан ҳар эртаси куни бир жойда юзта, иккинчи жойда икки юзтача от ҳозирланиб туриларди. Самарқандга қадар шу ҳол давом этди. Подшоҳ бирор кишини у ёқ-бу ёққа юборадиган ёки унинг ҳузурига бирор киши келадиган бўлса, мана шу отларда илож борица тезроқ, кечаю-кундуз йўл босилиши лозим эди. Мамлакатнинг қимсасиз жойларида ҳам, аҳоли яшайдиган жойларида ҳам бу отлар тайёрлаб туриларди. Одам

яшамайдиган жойларда шоҳ меҳмонхонага ўхшаш катта уйлар қуришни буюрди ва яқинроқда жойлашган шаҳар ва қишлоқ аҳлига меҳмонларга от ва озиқ-овқат етказиб туришни тайин этди. Бу отлар қошида уларни асрайдиган ва қараб турадиган одамлар бор эди; бундай одамларни анчо-саис деб аташарди. Шундай қилиб, шоҳ вакиллари келадиган ёки бирор хабар билан шоҳга борадиган кишилар бўлса, бу одамлар (анчолар) дарҳол келган одамларнинг отлари ва устидаги эгар-жабдуқларини олишади-ю, ўзларида бўлган бошқа отларга солиб ҳозир қилишади. Жўнаб кетилаётганда анчолардан бир ёки икки киши, отларга қараш учун бирга кетишади; шоҳ отлари мавжуд жойга етишгач, анчо отларни олиб орқага қайтиб кетади ва унинг ўрнига бошқаси ҳамроҳ бўлади. Бунинг ўзи кифоя қилмайди. Борди-ю бу отлардан бирортаси йўлда чарчаб қолса ва улар қаерда бўлмасин, ким бўлмасин ўз иши ва ўз йўли билан бораётган бирорта одамни учратиб қолишса уни дарҳол отдан тушишга мажбур қилиб, отини олишади, подшоҳ отини эса анчо-саис олиб қўяди. Таомили шунақаки, йўлда от миниб бораётган бирор киши, хоҳ у князь ёки савдогар, вакил ёки бошқа одам, подшоҳ ҳузурига кетаётган бўлса-ю, чарчагани ва подшоҳга бораётгани учун отини беришнинг сўраса ёки унинг ўзини бирор топшириқ билан жўнатса, у йўқ дейишга ҳадди сиғмайди, чунки акс жавоби учун боши кетади: подшоҳнинг иродаси шундай. Шоҳ вакиллари ҳатто қўшинлардан ҳам отлар олишарди. Бундай ҳолларда от эгаларини кейинчалик отларини қайтариб олиб кетиш учун, ўзларининг кетидан юришга мажбур қилишарди. Отларни бундай одамларнинг ҳар қандайдан, ҳатто, айтишларича, агар танқислик рўй берса, подшоҳнинг ўғли ёки хотинидан ҳам олиш мумкин; улуғ шаҳаншоҳ ҳузурига бораётган вакиллар бир марта шоҳнинг тўнғич ўғлини отдан тушишга мажбур этишганини ҳам сўзлаб беришди. Шу биргина йўл эмас, балки унинг (Темурнинг) бутун ерлари шу тарзда отлар билан таъминланган. Шунинг учун шоҳ отда бетўхтов йўл босганда ҳам бир неча кун ичида ўзининг ҳамма ерлари ва барча чегараларидан хабар олиб туриши мумкин»³⁴.

Урта Осиё тарихининг билимдони, бутун дунёга таниқли шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд: «Темур гўё Самарқанддан бошқа ҳамма ерда вайронгарчилик билан шуғулланган, деган фикр муболағали; у Кобул водийси ва Муған чўли каби Самарқанддан узоқ бўлган жойларда улкан суғориш ишлари олиб борди»³⁵, деган тарихий жиҳатдан гоят қимматли фикрни айтган эди.

Бизнингча, В. В. Бартольд асарларини нашр этиш ҳайъатининг В. В. Бартольд ушбу фикрида Темур фаолиятини бўрттириб кўрсатади, деган танқидий эслатмаси тўла асосли, ишончли эмас. Шунинг учун олимларимиз тарихий ҳақиқатга таянганлари ҳолда бу соҳада ҳам тадқиқот олиб боришлари муҳим аҳамият касб этар эди.

Масалан, Шарафуддин Али Яздийнинг аниқ ва ишонарли кўп фактлар тўғрисида ёзганлари бизнинг диққат-эътиборимизни ўзига тортади. Улардан баъзиларини келтирайлик:

Бир йил мобайнида, — деб ёзади Яздий, — Бағдод шаҳрини тиклаш ҳақида буйруқ берилди, токи шаҳар яна ўз кифоасини олсин, унда ҳунармандчилик ривожлансин, теварак-атрофида деҳқончилик ўссин, савдототиқ ва маданий ҳаёт кенг тармоқ ёйсин, ислом билими илгаригидай ёйилсин. Бу вазифа Амрзода Абу Бакрга топширилди»³⁶.

Темур муҳандислар — архитекторлар ва қурувчилар томонидан тасдиқланган аниқ план-лойиҳа асосида Боилкон қўрғони — шаҳарини ҳам тиклади, пишиқ ғишдан кўпгина турар жой бинолари, бозор, майдон, ҳаммомлар қурдирди, боғ, хиёбон барпо этди, Аракс дарёсидан канал қаздириб, шаҳарга сув келтирди. Барча қурилиш ишлари қўшинлар ўртасида тақсимланади. Бир ой ичида янгидан тикланган шаҳар — Боилкон қалъаси пайдо бўлди, бир йил давомида эса мудофаа учун айлана деворлар ва бошқа иншоотлар қад кўтарди. Бу айланма девор икки юз минг тўрт юз газни — (1 газ 1,5м)³⁷ ташкил этарди.

Бу ва бошқа тарихий маълумот ҳамда фактлар Темур «ўзидан вайрона ва кулдан бошқа ҳеч нарса қол-

³⁵ В. В. Бартольд. Соч., т. II, ч. I, М., ИВЛ, 1963, стр 159—160.

³⁶ «Зафарнома», 433 а-бет.

³⁷ «Зафарнома», 441 а-бет.

³⁴ Рюи Гонзалес де-Клавихо. Дневник путешествия по дорогам Тимура в Самарканд в 1403—1406 гг., СПб., 1881, стр. 110—201.

дирмади», «Темурланг ва Чингизхон бир тарзда иш кўрди» ва ҳоказо деб ҳисобловчи айрим буржуа тарихчиларининг даъволари бир ёқлама, демак, ноаниқ ва тенденциоз эканлигини кўрсатади.

IX

Сўнги вақтларда бизнинг диққатимизни Н. П. Остроумов томонидан нашрга тайёрланган ва 1894 йили Қозонда нашр этилган «Уложения Тимура (Тамерлана)» — «Темур (Темурланг) қонунлари» асари ўзига тортди. Китобга ношир томонидан ёзилган муқаддимада келтирилган маълумотлар ниҳоят даражада қизиқарлидир.

Ношир ёзади: «Айрим мусулмон адибларининг сўзларига қараганда «Қонунлар»ни Темур ўз қўли билан ёзган, бошқаларнинг фикрича, Темур айтиб турган ва котиблар ёзган. «Қонунлар»нинг форсча таржимасига ёзилган муқаддимада айтилишича, асар дастлаб турк тилида ёзилган ва «Темур тузуклари» деб соф туркча ном билан аталган. Бу фикр ҳақиқатга яқин: Темурнинг ўзи ва унинг қўл остидаги фуқаронинг асосий қисми ҳам миллати жиҳатидан турк бўлган. Шунга кўра «Қонунлар» ҳукмрон халқ тилида — турк тилида ёзилган, деб ўйлаш мумкин. Лекин бу дастлабки текстнинг кейинги тақдири хийла ғалати ва ноаниқ: Абу Толиб Ҳусайннинг маълумотига кўра, «Қонунлар»нинг туркча асл нусхаси Яман подшоси Жаъфар кутубхонасига тушади. Абу Толиб тахминан 1610 йилларда уни Жаъфар учун форсчага таржима қилади. Ушбу таржимани майор Дэви араб тили профессори Уайт билан ҳамкорликда 1783 йилда Оксфордда нашр эттиради. Улар форсча текстга инглизча таржима ва кўрсаткич қўшишади. Шу текст асосида асарни 1787 йили Лянглэ француз тилига таржима қилиб нашр эттиради.

Таржимага сўз боши, Темурнинг қисқача таржимани ҳоли ва географик ҳамда тарихий изоҳлар қўшимча қилинади.

Темур «Қонунлар»ининг Н. П. Остроумов томонидан нашр этирилган русча таржимасига Лянглэнинг французча варианты асос қилиб олингандир.

Эътироф этиш керакки, машҳур тарихий-адабий ёдгорлик — «Темур тузуклари»нинг Н. П. Остроумов томонидан рус тилида нашр этирилиши фан учун ғоят фойдали иш бўлган эди.

Тилга олинган китобнинг муқаддимасида Л. Лянглэнинг Темур ҳақидаги фикри келтирилади.

Қуйида бир оз толиқарли бўлса-да, Л. Лянглэнинг Темур томонидан Боязиднинг асир олинishi ва Темурга берган баҳоси ҳақидаги асосий фикрлари билан ҳурматли ўқувчиларимизни таништириб ўтмоқчимиз:

«Темур кун бўйи бўлган жанглардан чарчаб, тўшакда ётганда унинг чодирига қўл-оёқлари боғланган Боязидни олиб келишади. Қутилмаганда Боязидни кўриб ҳаяжонга тушган ғолиб Темур ўзини кўз ёшидан тутиб қололмайди: Боязиднинг олдига пешвоз чиқиб, уни кишандан бўшатишларини буюради ва қабулхонасига олиб киради.

Шунда, Темур ўз маҳбусини ёнига ўтиргизиб, унга дейди: «Боязид! Бахтсиздигингиз учун ўзингизни айбланг: бу — ўзингиз эккан дарахтнинг тиканлари. Мен сизнинг олдингизга енгилгина шарт қўйган эдим; Сизнинг рад жавобингиз мени сизга қарши ўзим ҳеч ҳам хоҳламаган ҳаракатни қилишга мажбур этди. Мен сизга зарар келтиришни истамагандимгина эмас, балки сизнинг душманларингизга қарши урушингизга ёрдам беришни ҳам ният қилган эдим. Ужарлигингиз ҳамма ишни йўққа чиқарди. Аттанг! Агар ютуқ сиз томонда бўлганда эди, менга ва қўшинимга қандай муомала қилишингизни биламан. Шундай бўлса ҳам, хотиржам бўлиб, кўнглингиздаги даҳшатни чиқариб ташланг; мен ҳаётингизни сақлаб қолиш билан ўз ғалабам учун фаллакка таҳсин-ташаккур айтмоқчиман».

Шу сўзлардан кейин у ўз қароргоҳи олдида Боязидга чодир қуриб беришларини буюрди ва ўзининг машҳур маҳбусга бахтсиз одамларга кўрсатиладиган ҳамма иззат-ҳурматни бажо келтирди.

Темурнинг бундай феъл-атвори унинг ашаддий душмани Арабшоҳ, шунингдек, мамлакатларига келтирган кулфатлари учун Темурни ҳаддан ташқари ёмон кўрадиган юнон ва турк тарихчилари томонидан Темурга берилган баҳога мутлақо тўғри келмайди. Уларнинг айтишларича, Темур Боязидни занжирдан халос қилган эмас, балки, аксинча, унга шу қадар оғир кишанлар урганки, маҳбус уларни зўрга-зўрга кўтариб юрган. Улар яна қўшимча қилиб айтишадикки, Темур ўз маҳбусини паст қилиб ишланган темир қафасга қамаган; қафас эса бу шафқатсиз ғолибга отга минниш учун зинапоя хизмати-ни ўтаган. Ниҳоят, уларнинг сўзларига қараганда, Темур Боязидни базмда қатнаштиради; маҳбус шоҳ базмида ўз хотинлари ва қизларининг ярим яланғоч ҳолда ма-

лайлик қилиб. юрганликларини кўради. Худди шу боисдан ўшандан бери усмонли шоҳлар уйданмасдан каниз тутишар, улар қонуний хотинларимиз бундай таққирларга учрамасин деб кўрқишар эмишлар. Бундай кулгили уйдирмаларнинг ҳаммасини тарихчи-философ жаноб Вольтер ўзининг «Essai sur Les moeurs et le genie des nations» асарыда ҳаққоний равишда ва қатъиян рад этади. Бизни, энг янги замон ёзувчисининг фикрига асосланаяпти деб айбламасликлари учун айтмоқчимизки, Темурнинг шараф ва ғоруси учун ғоят муҳим ва қизиқарли бўлган бу масалани ҳал этишга қодир бўлган фақат бир муаллиф бор. У ҳам бўлса, бизнинг фикримизча, Боязидга қарши юришда Темур изидан борган ва энг аниқ, ишонарли материаллар асосида унинг тарихини битган Шарафуддин Али Яздийдир»³⁸.

Лянглэ асаридан яна бир мисол келтирайлик: «Темур олимларга серилтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборни берар эди. Темур одамларни ўзига бўйсундириш қобилиятига эга эди. У ўзининг бу қобилиятини одамларни бахтли қила билиш таланти билан уйғунлаштирди. Темур, унинг тарихчиларидан бири (Шарафуддин)нинг айтишича, бир вақтнинг ўзида душманларига офат, аскарларига қаттиқ қўл раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олар эди. У ўз фуқаросининг аҳволи ҳақида яхши бошлиқлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечирарди; негаки у одам таний ва танлай биладиган шоҳ эди.

Султонлар бўш вақтларида машғул бўладиган хузур-ҳаловатлардан Темур фақат ов қилиш ва ўзи такомиллаштирган шахмат ўйнаш билан машғул бўларди»³⁹.

«Темурнинг кўнгил очар эрмаклари ҳеч қачон фуқаросига хонавайронлик келтирмаган. Кўнгил очар эрмаклар уни асосий вазифасидан ҳеч қачон четлатмас ва ортиқча чиқимларга туширмас эди».

«Яхши подшоҳ, — дерди у; — подшолик қилиш учун ҳеч қачон етарли вақтга эга бўлмайди, шунинг-учун биз қудратли оллоҳ бизга муқаддас қарз сифатида топшириб қўйган фуқаро фойдасига ишлашга мажбурмиз. Бу ҳамиша менинг асосий машғулотим бўлиб қолади; негаки қиёмат куни фақирлар этагимдан тортиб, мендан қасос олишни талаб этишларини мен истамайман».

«Унинг учун дўстликнинг ҳам гашти-латофати бор эди. Меҳрибонлиги, ширинсуханлиги туфайли дўстлар орттирди, уларни дўст деб аташдан тортинмади ва бу дўстликни сақлаб келди. Чунки Темур дўстлик фақат дўстлик билан қайтарилишини, барча бойликлари ҳарбийлар ёки ҳушомадгўйлар ёллаш учун хизмат қилажанини яхши билар эди. Унинг тақводор Имом Баракага катта ихлос қўйгани, бу художўй одамнинг вафотини эшитиб кўз ёши тўкиши — қудратли султон табиатига хос бўлган ажойиб хислатлар эди.

Лекин қаттиқ қораланишига лойиқ бўлган ва бу мутлақ ҳокимни энг қабиҳ хатти-ҳаракатларга етаклаган қизиққонлиги, даҳшатининг ўзи унинг бошқа ҳамма буюк фазилатларини пасайтирар ва ҳатто, йўққа чиқарар эди»⁴⁰.

«Қонунлар»га ёзилган муқаддимада, шунингдек, машхур немис тарихчиси Ф. Шлоссернинг (1770—1861) китобидан («Всемирная история», 8-том, 503—504-бетлар, 1870 йилги нашри) ҳам парчалар келтирилган. К. Маркс ўзининг хронологик кўчирмаларини тузишда бу тарихчининг асарларидан фойдаланган эди. Ф. Шлоссер Темур ҳақида ёзади:

«Саодатли жангчи, дунёнинг фотиҳи, айна вақтда энг узок Шарқни ўз қонунига қаратган бу одам Осиеда тактик ва стратегик билимлар билан ваҳший тўдаларни ўзига торта олиш маҳоратини бир-бирига уйғунлаштирди. У ўрта аср ёлланма аскарларининг бошлиқларига ўхшаб, князларга ўз хизматини таклиф этар экан, унинг олдида синалган жангчилари билан ҳозир бўларди...

Умрини юришларда ўтказадиган Темур тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтиб турар ва ўзининг янги давлатига қонунлар тақдим этар эди. Бу қонунлар татар галалари томонидан қилинадиган ваҳшийлик, шафқатсизлик ва вайронгарчиликларга ҳайрон қоларли даражада қарши-турарди.

Бизнинг фикримизча, Темурнинг давлатни бошқа-

⁴⁰ Уша жойда, 55—56-бетлар.

³⁸ Қаранг: «Жизнь Тимура», Сочинения Лянглэ. Перевод Н. Суворова. Ташкент, 1890, стр. 38—41.

³⁹ Уша ерда. Арабшоҳ Амир Темурнинг саройида думалоқ, чўзинчоқ шаклли ҳар хил катталикдаги учта шахмат столини кўрганини айтади. Ҳар уч стол ҳам аскарлар эволюциясини аниқроқ тасаввур этиш учун Темур томонидан ишланган эди.

ришдаги донишмандлигига, унинг ахлоқий ва сиёсий принципларига, шунингдек, уни гений сифатида улуғловчи китобларга, ҳатто, эътибор бермаса ҳам бўлади. Биз фақат ҳақиқий аҳволни маълум қилмоқдамиз. Поэзия ва романтизмни эмас, балки прозани, ҳақиқат ва тарихни қидирмоқдамиз, тилёглама одамлар тўқиб чиқараётган гаплардан ҳазар қиламиз. Бизга маълумки, Темур ўз тўдаларига қанча ташналик ва ваҳшийлик ҳиссини қўзғатди; унинг йўлбарсга ўхшаб кетадиган татар-мўғул тўдалари минглаб одамларни қириб ташлашди; унинг исковичлари барча мамлакатларда изғиб юрди, у жосусликнинг бутун бир системасини тузиб чиқди ва уни қўллади, бу ишда унга ҳар хил дарвешлар, фақирлар, ҳатто, христиан монахлари ниҳоятда зўр амалий ёрдам бердилар».

Мазкур китобда тарихчи Г. Вебернинг Темур ҳақидаги фикри ҳам бор. Г. Вебер ёзади: «Темур душманларига ҳаддан ташқари золим, лекин саркарда, ҳоким ва қонунчи сифатида буюк талант эгаси эди. Ёлғонни ёмон кўрар, билимга муҳаббат қўйишдан маҳрум эмас эди. Унинг манзилида шоирлар, олимлар, машшоқлар ва мистиклар (сўфилар) кўп бўларди... Темур Осиёни йўлида учраган ҳамма нарсани йиқитиб-учириб кетадиган даҳшатли довул каби босиб ўтди. Унинг кетида култепалар ва одамлар бошидан ясалган пирамидалар қолди. Лекин кайфи чоғ ва руҳи тетик вақтида у одил судья, илм-фан дўсти, бирга суҳбатлашишни хуш кўрадиган, расомлар ва олимларнинг ҳомийси эди.

Темурнинг қон билан тикланган давлати тез орада инқирозга юз тутди.

Темур қаҳр-ғазаби билан даҳшатли эди, шундай бўлса-да, у ҳам одам сифатида, ҳам ҳоким сифатида Боязиддан устун турарди. Боязид фақат босқинчилик ҳақида ўйлар, бошқа ҳар қандай ишни назар-писанд қилмас, давлатни бошқаришни ўзининг очкўз ҳамда бузуқлиги билан машҳур бўлган бош вазири Али Пашшога топшириб қўйган, вилоятларни ғаразғўй, сотқин қози ва ҳокимларга бериб қўйган эди».

Профессор Т. Н. Грановскийнинг (1813—1855) Темур ҳақидаги фикри ҳам шу китобда келтирилган: «Темур фаолиятдан ҳукмрон, асосан сиёсий фикрни ахтармаслик керак. Темурни қандайдир муҳим цивилизациянинг асосчиси деб ҳисобловчи айрим тарихчиларнинг масалан, Гаммернинг мақтовлари, афтидан, зўрма-зўраки кўринади. Бу цивилизациянинг излари ва белгилари қаерда? Темур ишга, амалий фаолиятга ниҳоят даража-

да ташна эди, лекин унда аниқ англаб олинган маълум бир мақсад йўқ эди».

Ҳожи Абдурашид тахаллуси билан дарвеш сифатида Бухорога кириб келган, Бухоро мачитларининг бирида имомлик қилган, кейинчалик эса Пешт университетининг шарқ тиллари ва адабиёти профессори Герман Вамбери «Бухоро тарихи»⁴¹ китобининг XI бобида Темур ҳақида ёзади: «Темурнинг ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундан ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги династия (темурийлар династияси) ни ва, балким, кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди. Бундан ташқари, Темур ўзининг издошларига панд-насиҳат ва қўлланма тарзида ёзиб қолдирган «Қонунлар» («Темур тузуклари») муаллифи сифатида ўрта Осиёда кенг танилди. «Қонунлар» унинг томонидан ўша давр тилида ёзилган бўлиб, соддалиги ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. (Қаердалиги номаълум бўлган) туркча оригиналдан форсчага таржима қилинди, шу форсча текст асосида кейинчалик Европа тилларида таржималар пайдо бўлди.

Темур Осиёнинг ҳамма қисмидан ҳадсиз-ҳисобсиз хазина ва бойлик йиғди, лекин уларни хасис одамлар каби сақламади. Буни, биринчидан, унинг саройининг бой ва ҳашаматлилиги, иккинчидан эса ҳам ўз резиденциясини, ҳам ўз шаҳрини безаб турувчи ғоят улкан ва муҳташам бинолар қурдиргани исботлайди. Шунинг учун ҳам Темурни Чингизхон билан бир қаторга қўйиб, уни ёвуз, ўзбошимча, мустабид ҳоким деб атовчиларнинг фикрлари икки томонлама хатодир. У, аввало, ўзининг ғолибона қуролини замонасининг одатига кўра ишга солган осийлик ҳоким эди. Унинг душманлари таъкидлаган қабиҳ ишлари ва вайронгарчиликлари ҳам, ҳатто бирор жиноят учун олинган ўч эди, холос. Тўғри, бу ўч жуда қаттиқ, лекин шу билан бирга адолатли эди. У Исфаҳон ва Шерозда ўз аскарларининг сотқинлик туфайли тўкилган қонни учун интиқом олиш истаги билан ёнган эди»⁴².

Темурнинг характери ва хулқ-атвори ҳақида унинг замондошлари кўп маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

⁴¹ Қаранг: Г. Вамбери. История Бухары, т. 1, СПб, 1873. Перевод А. И. Павловского.

⁴² Қаранг: Ўша жойда, 217—237-бетлар ёки «Жизнь Тимура» китоби бўйича, 70—71-бетлар; Г. Вамбери китоби бўйича «Характеристика Тимура» бўлими.

Чунончи, Бабара Брей бир араб солномачисининг гувоҳлигига асосланиб, ўзининг «Ибн Халдун» сарлавҳали мақоласида бундай деб ёзади:

«Темур бўйи узун, кенг елкали ва бақувват, калласи катта, пешонаси кенг, жисмонан жуда кучли, териси оқ, юзи қизил, бармоқлари тўлиқ одам эди. Соқоллари ҳилпираб турарди, бир қўли фалаж, ўнг оёғи оқсоқ, қарашлари ўтли, ёниқ, овози жарангдор, ўлимдан қўрқиш нималигини билмайди. Саксон ёшга етса ҳам маънавий ва жисмоний кучини тўла сақлаб қолган эди»⁴³.

Таниқли тарихчи, Темурнинг ашаддий душмани, уни ваҳший, ёвуз, офат деб атаган Аҳмад бин Муҳаммад бин Арабшоҳ қуйидагича ёзади:

«Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди: пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор бўлиб, кучи жасурлигидан қолишмасди; оқиш юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди. Узун соқол қўйиб юрарди. Ўнг қўли ва ўнг оёғи майиб, қарашлари етарли ёқимли эди. Ўлимни писанд қилмасди; қарийб 80 га кириб ўлаётган чоғида ҳам ақл-заковатини ҳам, довораклигини ҳам йўқотмаган эди. У ёлғон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил унинг кўнглига ёқмасди. Ўзининг олдида талон-торожлик, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди; у, ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди. Яхши ёки ёмон ҳолатлар унинг кайфиятига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасди. Жасур аскарларнинг дўсти, ғоят мард ва ботир бўлган бу одам кишиларни ўзини ҳурмат қилишга, ўзига бўйсундиришга мажбур эта биларди»⁴⁴.

Жаҳон илм-фанига ғоят қимматли ҳисса қўшган «Бухоро тарихи» китобининг муаллифи Наршахийнинг традицияларини давом эттирган таниқли тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг бир неча бор эсга олганимиз монументал асари «Зафарнома»да Темурнинг ҳаёти ва юришлари ёритилган.

Шарафуддин Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири — давлат, мамлакат, фуқаронинг ғамхўрлиги эди. Унинг қондаси — «рости-друсти» **راستی درستی** эди. Ҳақиқат — сиҳат-саломатлик, ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат демакдир деб тушунтиради, у.

Бизнинг назаримизда, Темур ҳақиқатни бирлашган, мустақил, иқтисод ва маданияти тараққий этувчи давлат тарафдорлари бўлган феодал аслзодалар синфий маънавияти позициясидан туриб тушунган ва тушунтирган.

Л. Лянглэ китобида ва Г. Вамберининг «Бухоро тарихи» асарида «рости-друсти» бошқача транскрипцияда «Расти-русти» деб берилган ва ҳақиқат — халоскор, яъни ҳақиқат хавф-хатардан халос этади деб ёзилган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида, юқорида айтиб ўтганимиздек, «рости-русти» деб эмас, балки **راستی درستی** яъни «рости-друсти» деб ёзилган⁴⁵.

Шарафуддин Али Яздий тўхталиб ўтган яна икки фикр қуйидагича:

Темур: «Камар бар мисён ва сано бар забон — белда камар ва тилда сано», яъни иш ва сўз бир бўлсин дейишни хуш кўрар эди.

Темур даврида, 1380 йили Бухорода вафот этган нақшбандийлик оқимининг асосчиси Хўжа Баҳовуддин айтиб кетган машҳур бир фикрни ушбу ўринда эсга олиш ўринли бўлур эди:

Нақшбандийлар:

«Дил ба ёру,
Даст ба кор».

Яъни:

Юрак маъшуққа,
Қўл ишга

дейишади.

Темур, «Мурувват ва марди пеши холиқ ва халойиқ маҳмуд аст» — инсонпарварлик ва мардликни оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган гапни кўп такрорлар эди.

«Агар сардор баддил ва бежигар бошад — бар лашкар шикаст ояд» — агар лашкарбоши ёмон кўнгил ва ақлсиз бўлса, қўшиннинг енгилмасдан иложи йўқ, — дерди у.

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, бу ҳикматли гапларнинг барчасини Темурнинг ўзи айтган ва шахсий фаолиятида шуларга амал қилган.

Шарафуддин Али Яздий Темур шахсини кўкларга кўтаради ва идеаллаштиради. Уни соҳибқирон — буюк бахт юлдузининг эгаси, ҳумоюн — шавкатли; камқори офтоб давлати турк — турк давлатининг қудратли қуёши ҳамда он-ҳазрат — улуғвор шоҳ деб атайди.

⁴³ Қаранг: «Курьер», Орган ЮНЕСКО, 1966, № 6, стр. 8.

⁴⁴ Арабшах. Соч., т. II, стр. 798; «Жизнь Тимура». С. 52—54.

⁴⁵ «Зафарнома», 90 а-бет.

Феодал ва буржуа историографиясининг турли авторлари айтган, юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, тарихий шахс сифатида Темурга берилган турли баҳолар зиддиятли: улар ё бир-бирини тўлдиради ёки бир-бирига тамоман зиддир.

Х

Юқорида қайд этганимиздек, Темурга асосан объектив, тўғри ва илмий баҳо совет тарихчилари, энг аввал марксист-шарқшунос А. Ю. Якубовский томонидан 1950 йили УзССР Фанлар академияси нашр этган ва кейинчалик 1955 ва 1957 йилларда нашр этилган «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг бу олим ёзган бобида берилди. Уни қўйида келтирамиз:

«Тўхтамиш қўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва 1395 йилда Берка Саройнинг хароб қилиниши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди, шундан кейин у ўзини ҳеч ўнглай олмади. Қадимги Русга қанчадан-қанча жабр-зулм ўтказган давлат жуда заифлашди. 1395 йилдан кейин эса Олтин Ўрда тушкунликка туша бошлади. Мамай қўшинларининг 1380 йилда Куликова даштида тор-мор этилиши Олтин Ўрдага берилган биринчи зарба эди. 1395 йилда Терек дарёси бўйидаги мағлубият ва Саройнинг тор-мор қилиниши эса Олтин Ўрдага берилган охириги зарба бўлди. Гарчи Темур Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаган ҳамда Москва князлари билан алоқа боғламаган ҳолда Олтин Ўрдага қарши кураш олиб борган бўлса-да, бу кураш натижасида у Ўрта Осиёни бирлаштирибгина қолмасдан, балки объектив равишда Рус учун жуда катта хизмат қилди.

Темур Ўрта Осиёни кучли бир давлатга айлантириш учун Хоразмга ва Олтин Ўрдага қарши курашган бўлса, унинг Эронга, Закавказьега ва бошқа узоқроқ мамлакатларга қилган юришлари тўғридан-тўғри истилочиллик ва басқинчилик мақсадида қилинган юришлар эди»⁴⁶.

А. Ю. Якубовский Темурнинг Европа халқларига кўрсатган яна бир хизмати ҳақида шундай ёзади: «1400 йилда Темур аскарлари Ўрта Осиёдан узоқда — Фарбда турк султони Боязид I ва Миср султони Фаражга қарши уруш олиб боради. Уша вақтда Темур кўп халқларни, масалан, Кичик Осиёдаги Сивасни, Суриядаги Ҳалаб (Алеппо)ни ўзига қаратиб олган эди. 1402 йилда Анқара

ёнида Темур иккинчи марта Боязид билан жанг қилди. Бу жанг ўша даврдаги энг катта жанглардан бўлган эди. Ҳар икки томондан 200 мингдан ортиқ аскар қатнашади. Анқара ёнида бўлган бу жангда Усмон Султони Боязид батамом тор-мор этилди ва Боязид асир олинди. Бу ғалаба фақат Осиё тарихи учунгина аҳамиятли бўлиб қолмади. Темур ўзининг бу ғалабаси билан Европа халқларига иккинчи марта хизмат этди. Анқара ёнида бу ғалаба ва Боязиднинг асир тушиши Константинополнинг турклар — усмонлар томонидан босиб олинишини қарийб 50 йил ороқга суриб юборди»⁴⁷.

Бу ерда шунини ҳам айтиш керакки, Темур Шимолий Африка халқлари, жумладан Миср халқига ҳам ёрдам кўрсатди. Чунки Боязид уларнинг ерларига ҳам хавф туғдириб турарди. Кейинчалик Миср ҳам Византия каби Темур ҳокимиятини урушсиз тан олди ва унга бўйсунди.

Марксча-ленинча фан шахсининг тарихда тутган ролини рад этмайди, балки уни эътироф этади ва илмий жиҳатдан исботлайди. Бунда у муайян шахсни юзага чиқарган конкрет иқтисодий ва тарихий давр шарт-шароитига асосланади. У муайян шахс ўзидан аввалги даврга нисбатан нима берганини, қайси синфнинг манфаатини кўзлаб иш тутганини, давр тақозоси бу шахс хатти-ҳаракатларида қай даражада акс этганини эътиборга олади.

Маркс ва Энгельс социал ҳодисалар, тарихий воқеаларни материалистик тушунишни асослаб, инсоният гираққиётининг объектив қонунларини очдилар ва айни замонда тарихда халқ оммасининг ҳал қилувчи ролини асослаб ёритиш билан бирга, тарихда тасодифиятнинг ролини ҳам инкор этмаслик, балки уни тан олиш зарурлигини кўрсатдилар. Хусусан, тарихий шахслар маълум мамлакатнинг ижтимоий кучлари, муайян социал-иқтисодий вазиятнинг реал тақозосига кўра, замонанинг ўртага қўйган вазифаларига мувофиқ ҳолда объектив юзага келадилар деб таъкидладилар.

«Муайян мамлакатда худди шу буюк одамнинг юзага чиқиши соф тасодифият, албатта. Лекин фараз қилайлик, биз бу одамни четлатсак, унинг ўрнини босадиган одамга талаб пайдо бўлади. Бундай ўринбосарнинг у ёки бундай етишмовчиликлари бўлиши мумкин. Лекин вақт ўтиши билан ўшандай ўринбосарнинг топилиши аниқдир»⁴⁸.

⁴⁷ Уша жойда.

⁴⁸ К. Маркс, Ф. Энгельс. Избранные произведения, М., 1933, т. I, стр. 300.

⁴⁶ «История народов Узбекистана». Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1950, стр. 356.

XIV асрнинг 40—50-йилларида Мовароуннаҳрда тарихий вазият қандай эди?

Бу даврда Мовароуннаҳрда чет эл қарамлигидан, мўғул хонлигидан ажралиб мустақил, кучли ҳокимият тузишга манфаатдор бўлган феодал аслзодалар орасидан айрим гуруҳлар етишиб чиқа бошлади. Чигатой улуси ҳокими Кебекхоннинг 1318—1326 йиллардаги пул ва маъмурий ислоҳоти ўтказишидан ва бошқа ишлардан ҳам мақсади шундай бўлса керак.

Чингизлардан чиққан сўнгги хон Қозонхон ҳам худди шундай — Кебекхонга ўхшаб бошқача сиёсат юргизишга ҳаракат қилди.

Булар — масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи, энг муҳим томони шундаки, кенг халқ оммаси кўп машаққатлар билан узоқ вақт ичида ирригация тармоқларини — ариқ, зовур, сув омборлари, тўғонларни тиклади, деҳқончилик, ҳунармандчиликни йўлга қўйди, айни вақтда ўзаро урушларга, майда феодал ҳокимларнинг ўзбошимчалигига, мўғул хони ва Олтин Урданинг турли ноиблари босқинчилигига қарши кураш олиб борди.

Кенг халқ оммасининг интилиши Мовароуннаҳр ва Самарқандда бошланган, Самарқанд мадрасасининг талабаси Мавлонозода, пахта титувчи Абу Бакр Қалавий ва моҳир мерган Хурдаки Бухорийлар раҳбар бўлган Сарбадорлар ҳаракатида бу объектив жараён айниқса яққол кўринди. Демак, феодал аристократияси ёки оддий меҳнаткаш халқ орасидан кучли шахслар етишиб чиқиши ўша даврдаги тарихий зарурият эди. Маълумки, зарурият тасодифият орқали мамоён бўлади.

Темурнинг Урта Осиёда, Мовароуннаҳрнинг ҳозирги Қашқадарё область Шаҳрисабз яқинидаги Хўжайлғор қишлоғида барлос беги Тарағай оиласида дунёга келиши соф тасодифият, албатта. Лекин бундай шахснинг юзга келиши даврнинг, замоннинг тақозоси, Чигатой улусининг зулми, майда феодал бекларнинг ваҳшиёна эзиши, мўғул хонлари, Олтин Урда бекларининг Мовароуннаҳрдаги тўхтовсиз босқинчилик юришлари азобланган, хона-вайрон бўлган, 150 йил давомида чет эл ҳукмронлигидан тинкаси қуриган мамлакатнинг, халқнинг мустақилликка эришиш талаби эди. Бу тарихий зарурият Темурда, унинг лашкарбошларида равшан кўринди, Темур давлат арбоби сифатида маълум даражада бу эҳтиёжни, талабни, заруриятни ўзида акс эттирди, яъни Мовароуннаҳрда мустақил марказий бирлашган давлат тузди, мамлакат эҳтиёжларига жавоб берди. Мулкдор синфлар — йирик заминдорлар, савдогарлар, карвонса-

рой эгалари ҳамда маълум маънода ва маълум даражада умуман аҳоли талабларига пешвоз чиқиб, мамлакатнинг кўп жойларида қурилишлар қилдирди, камида юз йигирма йил давомида нисбий осойишталик ўрнатди. Бу, шубҳасиз, мамлакатда экономика, маданият, фан, адабиёт ва санъатнинг ўсишида муҳим омил бўлди. Темурнинг Урта Осиё тарихидаги хизмати, бизнингча, ана шулардан иборатдир.

Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихининг кейинги даврларида Шоҳруҳ, Улуғбек, Мирза Абу Саид, Султон Аҳмад, Ҳусайн Бойқаро, айниқса, Ҳиндистонда Бобир ва Акбаршоҳлар Урта Осиёда Темур даврида қарор топган экономика ва маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ энг яхши традицияларни давом эттирдилар.

XI

Қурувчи ҳамда маданият қимматини баҳолаган Темурни Урта Осиё халқлари ҳурмат қиладилар, унинг Самарқанддаги мақбарасини сақлаб, асраб келмоқдалар. Ҳозирги вақтда Темур давридан монументал ёдгорлик бўлиб қолган Бибиноним мадрасасининг сақланган қисмларини реставрация қилиш мақсадида замонавий фан ва техника ютуқлари асосида жуда катта ишлар олиб борилмоқда.

Совет ҳокимиятининг 50 йили ичида Совет Иттифоқи қардош республикаларидек, Ўзбекистонда ҳам олиб борилган гоаят улкан тиклаш ва реставрация ишлари ҳаммага маълум. Бухоро, Хива, Фарғона, Тошкентдаги тарихий ёдгорликларни, айниқса, Самарқанддаги Улуғбек, Шердор, Тиллақори мадрасаларини реставрация қилиш, машҳур обсерваториянинг қолдиқларини сақлаб қолиш, уни тиклаш, қадимий Регистон майдонини янада кўркамлаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд йилдан-йилга ўзгариб, яшнаб бормоқда, кўплаб машинасозлик, кимё, ипакчилик корхоналари унинг ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Самарқанд атрофидаги районларда рангли ва нодир металллар ишлаб чиқариш ривожланаётир. Сув ҳавзалари, каналлар, жумладан, ҳозирги замон улкан ирригация иншоотларида бири — миллиард куб метр сув сиғдирадиган, минг-минг гектарлаб пахта ва ғалла майдонларини, боғ-роғларни суғурадиган Каттақўрғон сунъий денгизи қурилди.

Республикамизда, жумладан, Самарқанд областида


хўжаликнинг барча соҳалари сингари қорақўлчилик ва ипакчилик йилдан-йилга тараққий этаётир.

Самарқанд ўндан ортиқ олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари, Давлат опера ва балет театрига эга бўлган катта санъат ва маданият марказидир. Биргина Алишер Навоий номи Давлат университетининг ўзида ўн икки минг студент таълим олмоқда. Ҳозирги вақтда Самарқандда турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар ва корхоналар қад кўтармоқда.

Икки юз элик мингдан кўпроқ аҳоли яшайдиган Самарқанд шаҳри бутун зеби-зийнати ва гўзаллиги авж ҳамда мавж уриб бораётган вақтда — 1969 йилда ўзининг 2500 йиллик шарафли тўйини байрам қилади.

Бепоен Советлар мамлакатимизнинг барча кишилари каби Самарқанд шаҳри меҳнаткашлари ҳам улуғ ва қудратли Социалистик Ватанимиз фаровонлиги йўлида мўъжизали ижодий меҳнат қилмоқда ва шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшмоқда.

Халқимизнинг бу аъжойиб ишларида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча миллий сиёсатининг бунёдкорлик характери, ҳаётий кучи ва улуғворлиги конкрет ҳамда яққол намоён бўлмоқда.



Самарқанддаги Гўри Амр